

# АҲМАД АЪЗАМ

## ОДАМ ЗАҲРИ

### *Киноқисса тажрибаси*

#### *ҚИШЛОҚ. ЧОШГОҲ*

Тоғолди дашт.

Қир-адирларни гул-гул ёнган лолақизғалдоқ босган.

Қир адирларга ўралган қишлоқ.

Ўртани кесиб уфққача қорамтир асфальт йўл кетган. Тез кетаётган машина ойнасидан лолақизғалдоқлар худди машинанинг икки томонидан орқага учаётгандек кўринади.

Мовий осмоннинг у ер-бу ерида оппоқ булутлар сузади.

Булутларнинг қора кўланкалари ер бағирлайди.

Кўм-кўк ғаллазорда шамолдан пайдо бўлган тўлқинлар бир-бирини салобат билан қувлаб келади.

Асфальт йўлда сўфитўрғай пилдирайди.

Осмонда гала-гала каптар учади.

Машина ойнасидан қишлоқ кўринади. Икки томони кўм-кўк қир-адир, на боши, на охири кўринадиган қишлоқ. Бу томони баҳорда кўклаб, ёзда сарғаядиган тепаликлардан даштга чиқиб кетади, бу томони баландлаб бориб тоққа уланади.

Бир текис кўринган кўкликнинг тагида ҳаёт қайнайди.

Туячумоли ўз ғам-ташвиши билан лўкиллайди. Чучмомаларда асалари ғўнғиллаб, гулдан гулга ўтади. Чумоли, қўнғиз, яна биз отини билмайдиган аллақандай ҳашаротлар ғимирлайди.

Бир илон ўзига яраша салобат билан ўрмалайди.

Сариқ илон шиддат билан қочади.

Яна бир илон қулча бўлиб олиб, тилини чиқаради.

Машина лолақизғалдоқ оралаб учиб кетяпти.

Лолақизғалдоқ орасидан кўзойнакли илон бошини кўтариб машинага қараётгандек бўлади. Унинг ёнида яна бир шундай илон бош кўтаради. Тик боққан кўзлари совуқ.

Салгина олисда ястаниб ётган тоғ кўринади. Тоғ унча баланд эмас.

### *ТОҒ ЙЎЛИ. ЧОШГОҲ*

Тошлоқ йўлда икки одам от қўйиб боряпти. Уларнинг эғнидаги кийимлари бугунги кун либослари эмас, енгил ятак, ёқаси очиқ кўйлак, оёқларида чориқ. Бири ўттиз беш, бири қирқ беш ёшлардаги одамлар. Учраган ҳар дарахт, ҳар бутага синчков назар солиб, бировними ё бир нарсаними, қувлаб келишяпти.

Атроф тоғу тош, бўзқоялар.

Олисан худди тандир оғзидек ғор кўринади.

Отлар терга ботиб, кўпиклаб кетган.

ЁШ ОТЛИҚ: - Жони савил экан! От чарчади, бу чарчамади-я!

КАТТА ОТЛИҚ: - Савил бўлади-да, ажал қувиб, жон халқумига келгандан кейин.

ҚОЧҚИН тошдан тошга чакқон сакраб, ўрлаб боряпти. Ҳар замонда ўзини тош панасига олиб, энишга - қувиб келаётганларга олазарак қарайди.

Атроф яна ўша тоғу тош, жон асари йўқдек...

Сал нарида ғор кўринади.

Қочқин тўғри ғорга қараб тирмашади.

ЁШ ОТЛИҚ:- Ғорни мўлжал олди-ёв.

Каттаси от жilовини бўш ташлайди.

КАТТА ОТЛИҚ: Худонинг ўзи ишимизни ўнгладими дейман. Тоққа чиқиб кетса кўп овора бўлардик.

Ғорнинг устки лабида кўзойнакли илон бўйнини ёйиб, тўлғаниб туради.

Қочқин ғор оғзига чиққанда пастдагилар уни кўриб қолади, кичиги каттасига қамчи билан қочқинни кўрсатади.

Қочқин ғор ичига киради.

Қувиб келаётганларнинг каттаси от жilовини тортади.

Ҳалиги илон ғор ичига ўрмалайди.

Қувиб келаётганлар отдан тушади.

Отларни чакқон тушовлаб, тоққа ўрлайдилар.

Улар ғор оғзида тўхтайдди. Кичиги каттасига саволомуз қарайди.

ЁШ ОТЛИҚ: - Кирамизми?

Каттаси унинг гапига жавоб бермай, ғорга тикилиб туради, ниманидир ўйлаб бошини чайқайди.

Кичиги каттасига хавотир билан қарайди.

Отнинг териси дир-дир учади.

От эгари қошида қўй жунидан эшилган жун арқон илдириб қўйилган.

КАТТА ОТЛИҚ: - Ичкарида нима бор? Ахийри чиқади-ку. Жой қилайлик. Анавинақадан бохабар бўл.

Кичиги бир-бир ғорга, бир-бир атрофга, оёғи тагига аланглайди.

КАТТА ОТЛИҚ: - Эҳтиёти шарт-да. Арқон олиб чиқ. Қўй жунининг исига келмайди. Ўзи, тегинмасанг тегмайди, дейишади, лекин жондор жондор-да.

Кичиги пастга, отлар турган жойга қарайди.  
Отлар бир-бирини искалайди.

Бирдан ғор ичкарисидан бакириқ эшитилади.

Катта отлиқ сесканиб, ғорга қулоқ солади.

Ёш отлиқ эгарнинг айил-пуштанини бўшатган ҳолича ташлаб, ғорга томон югуради.

Фордан яна:

- Вой, вой, ўляпман! Ёрдам қилинг! – деган бўғиқ ёлвориш чиқади.

Катта отлиқ ғорга томон бир одим ташлайди-ю, тўхтаб қолади.

Фор оғзида гандираклаб чиқаётган қочқин кўринади.

Унинг ортидан бўйнини шишириб турган илон кўринади.

Қочқин гурс этиб йиқилади. Ўмганини сал кўтариб, икки қадамча эмаклайди, кейин боши ерга тушиб, қимирламай қолади...

Фор оғзида яна бир илон пайдо бўлади.

Икки отлиқ икки илонга қараб қотиб қолади.

Ўртада қочқин рамақда жон ғулдирайди. Кўзи ваҳимада, одам танимайди. Бўйнининг икки жойида жуфт тешиклардан қон сизади.

Илонлар изма-из ғор ичкарисига ўрмалайди.

Қувиб келганлар қочқиннинг устига эгилади.

Каттаси унинг ёнига тиз чўкиб, қўлини ушлайди. Юрак уришини билмоқчи бўлади ва оғир бош чайқайди.

ЁШ ОТЛИҚ: - Икки марта чақибди!

КАТТА ОТЛИҚ: Биттаси икки марта чаққанми ё иккитасими?

ЁШ ОТЛИҚ: - Урган жойи яқин, биттаси шекилли.

КАТТА ОТЛИҚ: - Бўйиндан чаққанга даво йўқ. Қисмат қисгани шу-да... Э-э-эх, хатто гуноҳнинг ҳам чегараси бор. Молини олдинг – бўлди, жонига нега тегинасан. Ёмонлик ҳам умрга ўхшаб ўлчаб берилган.

Буларнинг гапи бугунги кун манзаралари устида эшитилади.

### *АДИР ЙЎЛИ. КУНДУЗ*

Тоғолди адир. Яккам-дуккам дарахтлар оралаб бир одам эшагини йўрттириб келади. У қўлидаги таёғи билан бутага ўхшаган дарахт тагини кўрсатади.

Унга эргашиб келаётган машина тўхтади.

ШЕРАЛИ машинадан тушиб, дарахт тагига ошиқади.

Эшак минган одам йўлда, эшакдан тушмай, хадиксираб қараб туради.

Шерали бута орасига эгилиб, бир илонни ушлайди. Яна қарайди, иккинчи илонни ҳам ушлайди. Яна ўт орасига қарайди.

Шерали қўлидаги илонларинг бирини бошидан тишлайди-да, ўт орасига эгилиб, учинчи илонни тутди.

Шерали оғзида бир илонни тишлаб, қўлидаги икки илонни бўйнидан тутиб чиқиб келади. Кўзини илонларга тик қадади. Қўлидаги илонлар бошини кўтариб, унинг кўзига тикилаётгандек. Морбоз худди ҳозир ўзи тутган илонлар билан танишиб, суҳбат қураётгандек.

Эргаштириб келган одам эшак устида хайкалдек қотиб туради.

### *БАЙРАМ. КУНДУЗ*

Қир-адирлар кўм-кўк, ора-сира қип-қизил қизғалдоқ гиламлари.

Олисдан одамлар давраси, даврани ҳар томондан турли хил машиналар қуршаб олган.

Наврўзга хос ўйинлар, кураш.

Навбат Шералига келади. У худди ҳинд морбозларига ўхшаб кийинган. Лекин устида ўзбекча яктак, беўхшовроқ салла ўраган, қўлида ўзимизнинг оддий сурнай.

Шерали олдидаги сават қопқоғини очади, аввал бир, кейин иккинчи илон бошини кўтариб, сурнайга монанд тебранади...

Гиламча устида беш кўзойнакли илон, морбоз уларнинг ёнига чўзилиб ётади, илонларни қулочига олади. Илонларнинг ҳаммаси бошини кўтаради, иккитаси морбозга тик қарайди.

Томошабинлар қарсак билан олқишлайди.

Шерали белдан юқори яланғоч бўлиб ечинади. Сандиқ очилади, морбоз сандиққа ётади. Унинг устидан кетма-кет илонга тўла икки қути ағдарилади. Кейин сандиқ қопқоғи морбозу илонларнинг устидан ёпилади.

Ўртада сандиқ.

Одамлар худди сандиқ ичида бир даҳшат содир бўладигандек, унга кўрқув, хаяжон, ҳайратда тикиладилар.

Томошабинлар орасида турган ЖАМШИД Шералига жуда диққат билан тикилади, кўнглида нима кечяпти, билиш қийин.

ФАРИДнинг кўзларида ошкора ҳайрат ва... ҳадик бор.

Илон бошини кўтариб морбозга тик қарайди: унинг кўзлари, табиийки, жуда совуқ.

Шерали ҳам кўзларини тўғри илонга қадайдди: у ҳам киприк қоқмайди.

Шералининг нигоҳида ҳукмфармо бир ифода, мубҳам бир куч бор, шу куч илоннинг устидан босаётгандек.

Фарид сесканиб, кўзини олиб қочади.

Шерали билан илон бир-бирига рўпара, илон лип этиб бошини туширади.

Жамшид Шералига оғир қараб қолади.

*ЧОРРАҲА. СОАТ 18.30*

Даштда кўндалангига ястаниб-чўзилиб тушган қишлоқ.

Адирда яккам-дуккам, яйдоқ, сой бўйининг икки томонида сийрак дов-дарахт қуршаган ҳовлилар.

Мижоз пойлаётган кира машиналарнинг тумшуғи, қаёққа йўл олишига қараб, қарама-қарши томонга қаратилган.

Киракашлар мозорнинг пастак девори ёнида тўдалашиб, гурунг курадилар.

Катта йўлда келаётган «жип» секинлай бошлайди.

«Жип» эшигининг ойнаси тушади. Ойнадан Фариднинг боши кўринади.

ФАРИД: - Чандир шу ерми?

Ўтирганлар орасидан ёш киракаш ирғиб туриб «жип» томон шошилади.

ЁШ КИРАКАШ – Ҳа, ҳа, шу ер.

ФАРИД: - Морбознинг уйи қаерда?

ЁШ КИРАКАШ: - Қайси морбоз? Қаердан?

ФАРИД: - Чандирми, ахир, шу ер?

ЁШ КИРАКАШ:- Чандир...биласизми, неччи километр чўзилган? Қайси Чандир? Ўрама, Яккатол, Омонқоя, Айирғич... Кейин... илончилар шу ўртада ҳам бор. Агар ейишга бўлса, биз ҳам топамиз. Даштники, тоза. Законний илон!

Фарид ташқаридан кўринмаётган шеригидан алланарса сўрайди. Ўтирганлар «жип» томошасига бериладилар.

Ёш киракаш Фариднинг бу ёққа қарашига маҳтал туриб қолади. Фарид яна кўриниш беради.

ФАРИД: - Бизга илон эмас, илончи керак. Анов... Наврўзда чиқди-ку? .

Ёши ўтганроқ киракаш, сўраган одамга эмас, ёш киракашга секин гапиради.

КАТТА КИРАКАШ: - Шералини сўраяпти. Омонқоядаги...

ЁШ КИРАКАШ: - Шунақа демайдими? (Қўли билан кўрсатади). Бу ёққа юрасиз. Шу, олти билан етти километр орасида, Омонқоя деган жой чиқади. Шерали морбозники қайси уй десангиз, бўлди, ҳамма кўрсатади. У одам...

Ёш киракаш яна гапирмоқчи эди, лекин «жип»нинг ойнаси вижиллаб кўтарилади, машина жойидан кескин кўзғалади. Филдираклари ғартиллаб ишқаланиб, тагидан шағал учади.

ЁШ КИРАКАШ: - Э-ҳа, қаерда кўрганман десам, Наврўзга келган эди булар.

Ёши ўтганроқ киракаш узоқлашаётган «жип»нинг орқасидан бир муддат қараб туради-да, кейин бош чайқайди.

КАТТА КИРАКАШ: - Бир балони бошлаб келяпти булар.

ЁШ КИРАКАШ: - Нега унақа дейсиз? Бир даво истаб юрганлар-да.

КАТТА КИРАКАШ: - Ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган булар. Ма, носдан ур. Ақлинг пешланади.

Мозорни қарич ўт босган.

Ўт орасида икки илон ўт оралаб ўрмалаёттир.

Қишлоқ кўчасидан «жип» кетиб боради.

Илонлар худди машинани таъқиб этаётганга ўхшайди.

*ҚИШЛОҚ КЎЧАСИ. КУНДУЗ*

(Шералининг болалиги)

Қир-адирларда уйлар сочилиб ётади.

Кўчанинг икки томони девори ҳар хил, бир-бирига туташ, ораси очик ҳовлилар.

Етти-саккиз чоғли ўқувчи болалар мактабдан қайтади.  
Қалама деворга туташ тол атрофида чумчуклар ғужғон уради.  
Қий-чувни эшитган болалар шу ёққа қараб югурадилар.

Толдан юқорига қараб чипор илон ўрмалайди.  
Бўғот тагида полапонлар чирқиллайди.  
Деворга, толга тўпир-тўпир тош, кесак урилади, лекин биронтаси илонга тегмайди.

Болалар шовқин-сурон кўтарадилар.  
Шерали елкасидаги латта жилди ва кўлидаги сиёхдонни синфдоши  
Қаршига тутқазади-да, толга тирмашади.  
МАЛИКАнинг кўзларида ҳайрат ва кўрқув.  
Болалар бақириб юборади.

МАЛИКА: - Шерали!  
БИРИНЧИ БОЛА: - Чикма, ўласан!  
ИККИНЧИ БОЛА: - Чақади-я! Захарли-ку.  
МАЛИКА: - Шерали деяпман!  
УЧИНЧИ БОЛА: - Устингга ўзини ташласа!  
ҚАРШИ: - Шерали! Ўлгинг келяптими?  
МАЛИКА: - Ҳозир туш! Бувиш холамга айтиб бераман лекин.

Полапонлар тинмай чийиллайди. Чумчукларнинг чирқ-чирқи авжга минади. Шерали илонга жуда яқин борган.

Кўрққанидан Маликанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетган.

Йўлда эшак миниб келаётган чол кўринади.  
Чол болаларга, илонга кўлини узатаётган Шералига қизиксиниб қарайди.

Шерали бир кўли тол шоҳида, бир кўли билан шап этиб илоннинг бўйнидан тутайди, илонни тортаётганида мувозанатини йўқотиб, чайқалиб кетади.

ШЕРАЛИ: - Қочинглар!

Илон ерга тўп этиб тушади.  
Чол эшагининг тўхтасини қаттиқ тортиб тўхтатади, ерга тикилади.  
Унинг кўзлари олайиб кетади.  
Чанг-чунг ичидан илоннинг боши кўринади, тилини чиқаради.

ҚАРШИ: - Мусулмон экан, айри тилини чиқаряпти.  
ШЕРАЛИ: - Кесак отманглар! Ўзим...

Шерали иссиқ тупроқда тўлғаниб кетаётган илоннинг бўйнидан маҳкам чангаллайди-да, бир қўли билан танасидан тутаяди.

Чол эшагини халалаб, жўнаб қолади. Илон билан овора болалар чолга эътибор қилмайдилар.

Улар Шералига унча яқинлашмай, давра олиб тўхтайдилар.

МАЛИКА: - Ўлдириб, ёқиш керак! Бўлмаса, ўзи ё шериги уйингга бориб ўзингни чақади!

Чол орқасига қараб-қараб узоқлашади, эшаги тагидан чанг кўтарилади.

Шерали Маликага қараб ишшаяди ва... илонни унинг устига ташламоқчидек ҳаракат қилади. Малика чинқириб қочади, нарироққа бориб, йиғлаб юборади.

МАЛИКА: - Илон ушламай ўлгур! Ҳозир бориб Бувиш холамга айтиб бераман!

Шерали тиржаяди ва илонни қўйнига солади.

Болалар жўр бўлиб ҳайрат билдирадилар:

- Ву-уй! Чакмайдими?

Шерали ўртада, болалар ундан икки-уч одим нарида давра олиб йўлга тушадилар.

Қаршининг қўлида икки жилд, икки сиёҳдон.

Кўзларида ҳавас ва ғурур.

### *ҚИШЛОҚ КЎЧАСИ, СОАТ 18.35*

Бир жойи асфальт, бир жойи шағал, анча йилдан бери таъмирланмаган кўча. Фарид «жип»ни йўл териб ҳайдайди.

Унинг ёнида чорпахилдан келган, кўзлари қаттиқ Жамшид ўтиради.

ФАРИД: - Отам замонида асфальт қилинган экан.

ЖАМШИД: - Шунинг ҳам бориға шукр қил. Ишимиз ўнгидан келсин ишқилиб.

ФАРИД: - Абдурашид ака, шунча тажриба билан қандай қилиб...

ЖАМШИД: - Қулоғинг тешикми дейман? Бўлмаса келишдик: мен – Жамшид, сен - Фарид!

ФАРИД: - Йўлга чиққандан бери. «Мен Фарид, мен – Фарид» деявериб тилим қавариб кетди.



ЖАМШИД: - Отимни эса унут. Жамшид, Жамшидман! Хуфя тутишни қачон ўрганасан. «Илон эмас, илончи керак», дединг. Улар сўрамади-ку, хўп деб қўявер. Нима қиласан изоҳ бериб?

ФАРИД: - Хўп, хўп.

ЖАМШИД: - Борганимизда ҳам оғзингга эҳтиёт бўл. Мен индамасам, сен ҳам индама.

ФАРИД: - Хўп, хўп. Айтганингиздай бўлади.

ЖАМШИД: - Энди бояги... тажрибага келсак, бу ишдан худога ҳам фириб берадиганлар бор. Сиртидан фарқига бормасанг: канифолми, елимми ё захарми... Ёмон туширди лекин, яна ҳам ким билади, уни ҳам туширишган бўлиши мумкин.

ФАРИД: - Шундан бери йўқми?

ЖАМШИД: - Йўқ. Хорогга ўтиб кетдимми ё Варзобидами, худо билади? Лекин топилади! Афғонда бўлса ҳам оёғини ерга тегизмай олиб келишади. Аҳмоғ-эй! Тупканнинг тагига кирса ҳам топишимизни билади, лекин қочади.

Фарид кўчанинг чуқур-чопига тўғри келган «жип» рулини буради. Жамшид йўл қараб ўйланади.

ФАРИД - Эй-й...

«Жип» секинлайди.

ЖАМШИД – Ҳа?

ФАРИД – Босдимми?

ЖАМШИД – Нимани?

ФАРИД – Илон!

ЖАМШИД – Ҳайда-е! Шу ҳам юрак бўлдими? «Жип» ичида ўтирибсан-ку.

Йўл чангиб қолади.

*УЙ. ТУН*

(Жамшиднинг хотираси)

Жамшид уй эгаси – элликларга борган рус кишига қўйнидан оғзи сўрғичланган кичик колбани узатади.

Уй эгаси колбани авайлаб олади.

У колбани чирокқа тутиб кўради, колба ичида сарғиш кристаллга мамнун қарайди.

Жамшид ҳам унга қараб илжаяди.

Уй эгаси колба оғзидаги сўрғични синдириб, пинцет билан жиндай кристалл олиб, шаффоф шиша идишчадаги суюқликка солади.

Идишчага қараб турган Жамшиднинг ранги ўча боради.

Идишчадаги сувда ипир-ипир сарғиш қуйқалар сузади.

Уй эгаси аввал ажабланади, кейин жаҳлланиб, Жамшидга қарайди.  
Жамшид шоша-пиша колбани кўлига олиб, синчиклаб тикилади.  
Уй эгаси ундан кўз узмайди.

ЖАМШИД (рус тилида, жиндай акцент билан): - Федор Дмитрич!  
Хаёлимга ҳам келмабди, мени чув туширишлари. Оёғидан осаман! Пулингизни  
ўйламанг, эртагаёқ етқиздираман

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ (рус тилида): - Бошимга ураманми пулни!  
Келишдикми - молни келтир. Бўлмаса... ўзинг биласан. Бошқа жойда ишни  
йўлга қўй. Фақат тезроқ.

ЖАМШИД: - Қанақа йўл.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Билмайман! Душанбага ишонч йўқ. Шу ерда  
ташқил қиласан. Қилолсанг, тирик қоламиз, қилолмасанг, сен ҳам, мен ҳам...  
Хаётимиз қил устида. Тушундингми?

ЖАМШИД: - Тушундим, тушундим...

Уй эгаси унга узоқ тикилиб қолади.

### *ҚИШЛОҚ КЎЧАСИ*

Бурилишда мактаб, дарсдан қайтаётган тўп ўқувчилар кўринади. Фарид  
«жип»ни секинлатади.

### *МАКТАБ, СИНФХОНА. ЧОШГОҲ*

(Шералининг болалиги)

Синф ўқувчиларга тўла. Муаллима ХОСИЯТ ТЎРАЕВА дарсни  
тушунтириб бўлиб, энди ўқувчилардан навбатма-навбат сўраяпти.

Х.ТЎРАЕВА:- Қани, Эгамбердиева, юртимизда нималар бор экан?

МАЛИКА: - Юртимизда тоғлар, чўллар, сахролар, денгиз, кўллар бор.  
Яна... водилар бор... Э-э, ма-аллим, шу «води» нима дегани ўзи?

Хосият Тўраева ширин жилмаяди:

Х.ТЎРАЕВА: - «Води» эмас, «водий-й». Водий - атрофини тоғлар  
қуршаган пасттекистик. Унда ҳамма нарса ўсади. Табиати бой бўлади. Қани,  
Носиров, энди сен айт-чи, табиатда қанақа жониворлар учрайди?

Қарши ўрндан туради-да, бир зум пешанасини тириштириб туради.

ҚАРШИ: - Бургут.

Ўқувчилар гур-р этиб кулиб юборади, Хосият Тўраева яна майин  
жилмаяди.

МАЛИКА: - Вой, бургут жониворга кирмайди-ку?

ҚАРШИ: - Жони бор-ку?

Хосият бир зум ўйланади. СINFхонада паст ғовур-ғувур бошланади.

Х.ТЎРАЕВА: - Бу ҳам тўғри Лекин жониворлар турларга бўлинади. Паррандалар, хайвонлар, сут эмизувчилар... Бургут – кушлар оиласига киради.

Шералининг кўзлари қувлик билан ёнади. Ўзини ўқитувчининг гапларини тинглаётгандек кўрсатиб, кўлидаги чипор илонни секин полга туширади.

Х.ТЎРАЕВА: - Хўш, Носиров, яна қанақа жониворлар бор экан?

Қарши яна пешанасини тириштиради ва бирдан тараша тушгандек гапирди.

ҚАРШИ: - Илон!

МАЛИКА: - Илон хайвон эмас.

Қарши энди кўли билан кўрсатади.

ҚАРШИ: - Ана, илон.

Хосият Тўраеванинг бирдан ранги докадай оқаради, бир сакраб столга чиқади-да, чинқириб юборади.

Х.ТЎРАЕВА: - Вий-й! Мен кўрқаман! Йўқотинглар!

Ўқитувчининг чинқиришини кутиб тургандек, болалар бирдан қий-чув кўтарадилар. Ким парта устига, ким ўриндикқа чиқиб олади.

Хосият Тўраеванинг дод-войи ўқувчилариникидан ошиб тушар эди.

Ўқувчилар орасида, кўркса-да, ўзини босикроқ тутган Малика партасида тиржайиб ўтирган Шералига таъна билан тикилар эди...

Қуёш қизариб ботаётир. Қишлоқ устига бир текис харир чойшаб - ғубор пардаси тортилган.

Пода қайтыпти.

Қирдан энаётган юк машинаси ортидан ботаётган қуёш нурига беланган сариқ-қизғиш чанг кўтарилади.

Ўзи кўтарган чанг-гард ичида келаётган моллар худди сузиб чиқаётгандек кўринади.

Пода кутишга чиққан Малика ўпкаси тўлиб, Шералининг онаси - БУВИШга арз қиляпти:

МАЛИКА: - Тўраева ма-аллим столнинг устига чиқиб кетди. Бақриб йиғлаб юборди.

Бувиш ҳам ташвишга тушиб қолади.

БУВИШ: - Вой, яшшамагур! Директор ака билмадими, ишқилиб?

МАЛИКА: - Тўполонни эшитиб ўзи келди синфга! Эртага катта танаффусга кўяр экан... Мактабдан ҳайдашса, ёмон бўлади-ку! Анов куни бунингиз мени ҳам кўрқитди, газандасини устингга ташлайман деб...

БУВИШ:- Ҳай, қўлгинаси синсин! Сени кўрқитдими, сени-я? Отасига айтиб бир урдирмасам!

Малика хавотирга тушади.

МАЛИКА: - Отаси урмасин, қулоғидан чўзсин. Ўзи ҳам... жуда кўрқок экан-да Тўраева ма-аллим. Ўқитувчи ҳам шундай бўладими? Кейин болалар ҳам шовқин солишди. Шерали айтди, чипор, захари йўқ илон экан.

Бувиш Маликага меҳр билан термилади.

БУВИШ: - Хўп, айтаман. Фақат қулоғидан чўзсин, а? Оғритмасин...

Малика бошини силкиб туради.

#### *ҚИШЛОҚ КЎЧАСИ. 18.40*

Иланг-биланг кўча, бир-бирига уланиб кетган пасту-баланд деворлар.

«Жип» тўхтади.

Фарид ойнадан бошини чиқаради.

Йўл ёқасида ҳангомалашиб ўтирган икки йигитнинг бирови «жип» ёнига келади.

ФАРИД: - Шерали аканинг уйи қайси?

ЙИГИТ: - Морбозникими?.. Тўғри бораверасиз, кўприк келади, кўприкка чикмай, шундай ўнгга буриласиз, йўлнинг ўзи бориб такалади. Носранг дарвоза.

«Жип» жойидан кўзгалади.

Ҳовлилар «жип»нинг икки ёнидан сузиб ўта бошлайди.

Жамшид хаёли қочиб, йўлга бефарқ тикилади.

*УЙ. ТУН*

Федор Дмитриевич ва Жамшид.

Токчада икки кўл телефони, иккаласининг ҳам аккумулятори олиб қўйилган.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: Бизнинг ишимизда хато ўлим дегани. Дударевни эшитгандирсан?

ЖАМШИД: - Чаларок.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Мана, қара, аҳмоқ одам-да. Икки юз грамм билан кўлга тушиб, илмий тажриба учун тўплаганман, депти. Яна газеталарга интервью ҳам берибди. Душманлари атайлаб уюштирган эмиш. Шунча нарсани-я?! Олим! Оч-да, ўзим сотаман деган. Бу тўғри одам, бизга бегона, синалмаган, деб худонинг зорини қилганман. Бу халқаро авторитет, ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди, деб айтишган. Мана ҳадди!.. Бу ёқда сен ишни пачава қилиб ўтирибсан.

ЖАМШИД: - Федор Дмитрич, мен у аблахни топаман.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Уни сенсиз ҳам топадиганлар бор. Лекин ҳозир пайти эмас. Вазият нотинч. Олимни гуллагани қўймаслик керак. Лекин қаттиқ қўриқлашяпти. Гулласа, бирпасда сизларга ҳам чиқади. Биздагилар билан сиздагиларнинг алоқаси яхши. Шунинг учун янги канал тоза бўлсин. Эскилардан биронтасини аралаштирма. Бошдан ишни пухта қил. Калланг билан жавоб берасан. Охирги имкон сенга.

ЖАМШИД: - Калла иккита эмас, битта. Тушунаман.

*КАПТАРХОНА. ШОМ*

(Шералининг болалиги)

Тоғ этагида Шерали билан Қарши, оралари уч-тўрт қадам, тўрт томонга аланглаб, тезак териб юрибдилар.

Нариоқда иккаласининг эшаклари.

ШЕРАЛИ: - Кулча бўлиб ётгани тезакка ўхшайди. Кўзингга қара. Тўраевага ўхшаб чийиллаб юрма тагин.

ҚАРШИ: - Шу вақтгача кўрмаган эканми, а? Ёмон кўрқди лекин.

ШЕРАЛИ: - Бир хиллар кўрдими, тамом! Юраги ёрилади.

ҚАРШИ: - Мен унақа кўрқмайман. Лекин кўзини кўрсам, ҳамма ёғим музлаб кетади.

ШЕРАЛИ: - Илон кўзини юмиб-очмайди-да, мана бунақа қилиб. Нима, ҳалиги, киприги йўқ. Кўзини юмай, одамга тўғри қараганига кўрқинчли кўринади, билдинг. Асли унинг ўзи одамдан кўрқади.

ҚАРШИ: - Одамни қувиши-чи?

ШЕРАЛИ: - Аччиғини чиқарсанг, эшак ҳам тишлайди.

ҚАРШИ: - Э, сендан кўрқади-да. Бизларга ўхшаганни писанд ҳам қилмайди. Кўрганда қочиш у ёқда турсин, қимирламайди ҳам. Анови Исмат ака бор-у?

ШЕРАЛИ: - Ҳа. Бўйни ма-мунақа қийшиқ одам.

ҚАРШИ: - Шу кишининг отаси ёлдор илонни кўрган экан. Беш киши мингбош тергани тоққа кетаётган экан, йўлда нақш солинган, катта одамнинг сонидай келадиган бир болор ётган эмиш. Яна ёли ҳам бор экан. Қимирламабди.

ШЕРАЛИ: - Айтдим-ку, одамнинг ўзи тегинмаса, илоннинг иши йўқ.

ҚАРШИ: - Иши йўғ-а! Думи билан бир урса! Лекин буларга қараб ҳам қўймабди. Булар ҳам араванинг устида қотиб тураверган. Кейин, худога шукр, тирик қолдик, деб, аста орқага қайтиб, бошқа йўлдан кетишган. Бунақалари биздай болаларни лик этиб ютиб юборар, а?

Шерали кўзини қисиб қуёшга қарайди: вақтни чамалайди.

Қарши ҳам атрофга олазарақ қарайди.

ҚАРШИ: - Уларнинг подшоси бўлар экан. Балки Каптархонадагилариники шудир. Ер тагидан қирқ йилда бир чиқади, дейишади. Бўлса, шу ерларда-да, а? Отини айтиш керак эмас эди.

Рангини тошдан фарқлаш қийин бўлган жуда катта чипор илон ваҳимали ётади. Узокдан қараганда унинг тош орасида ётган оддий илон экани, болаларнинг ундан ўн-ўн беш қадамча нарида тезак териб юргани кўринади.

Қуёш уфққа ёнбошлаётир.

Икки жўра терган тезаклар катта-катта тўрваларга жойланган.

Шерали билан Қарши иккаласи ҳам ўз тўрваси утида ўтириб, тин оляпти...

ҚАРШИ: - Шерали, катта бўлсанг, шу... Маликани оласанми?

Шерали ўнғайсизланади.

ШЕРАЛИ: - Ҳа, нима эди?

ҚАРШИ: - Шундан бошқаси қуриб кетдими?

ШЕРАЛИ: - Бошқасини нима қиламан?

ҚАРШИ: - Энди бўмайди-да сенга.

ШЕРАЛИ: - Нимага бўмайди?

Қарши сал чайналади.

ҚАРШИ: - Энди, шу.. Опаси қочиб кетган.

ШЕРАЛИ: - Ким айтди сенга қочиб кетган деб?

ҚАРШИ: - Анави... Сурхонми, пурхонми деган жойга биров билан...

ШЕРАЛИ: - Ҳеч ҳам қочмаган, тентак, тўйи бўлди-ку.

ҚАРШИ: - Ўзинг тентак. Олдин қочиб кетган, кейин тўйи бўлган.

ШЕРАЛИ: - Сен нимани ҳам билар эдинг.

ҚАРШИ: - Ўзинг нимани биласан? Топганинг шу бўлса: опаси бунақа, ўзи-чи, ар-риқ, нон емайдами, билмайсан. Оёғи ҳам чиллакчўп, юрса, синиб кетай дейди. Жиблажибонга ўхшаб бидирлайверади...

ШЕРАЛИ: - Сен, эй, оғзингга қараб гапир!

ҚАРШИ: - Сендан кўркмайман. Тарашани оламан деб...

ШЕРАЛИ: - Ким тараша?

Шерали Қаршининг ёқасига тармашади.

Икки жўра жикқамушт уришиб кетадилар.

Аламдан охири аввал Қарши, кейин Шерали йиғлаб юборади.

Жанжал тўхтаган. Иккови ҳам жим. Кўзларини уқалаб, нафас ростлаб, бир-бирларига ер остидан қарайдилар. Униси қараса буниси, буниси қараса униси кўзини олиб қочади.

Қарши туриб, эшагини тўрвага ўнглайди.

Шерали ҳам эшагини тўрвасига тўғрилайди.

Қарши тўрвасини кучоқлаб кўтаради, тўрва узангигача боради, Қарши инқиллаб чиранади, ортишга кучи етмайди. Эшак юриб кетади, тўрва ерга тушади...

Шерали унга зимдан қараб туради-да, кейин ўзи ҳам тўрвасига ёпишади.

Шералининг эшаги юриб кетгани йўқ, лекин тўрва эгарга тиралиб қолган, Шерали, «хим»лаб шу кучанади, аммо натижа йўқ.

Қарши ўз тўрвасига ўтириб Шералининг чиранишига қараб турибди, билади - бориб химо берса, бас, аммо орият кучли.

Шерали алам билан ботаёзган куёшга қарайди.

Қарши ҳам қараб қўяди.

Иккови ҳам бирдан тўрваларига ёпишадилар. Бир ёқда униси, бир ёқда буниси, иккаласи алам билан, ҳаллослаб, чийиллаб, ҳа-ҳалаб чиранади, фойдаси йўқ.

Яна тўрва устига ўтириб нафас ростлайдилар.

Шерали ер остидан Қаршига қарайди.

Қарши юзини буради.

ШЕРАЛИ: - Мен оламан десам, сен ёмонлайверма-да энди.

ҚАРШИ: - Икковимиз жўра-ку, унинг нима кераги бор ўртаимиз-да?

ШЕРАЛИ: - Маҳлиё хола онам билан дугона. Шерали илон ўйнаб юришни ташласа, унга қизимни бераман деган.

Қарши Шералига ялт этиб қарайди.

ҚАРШИ: Мен ўзи Маликани уни ёмон кўрмайман. Фақат.. уни олсанг, мен ким билан жўра бўламан?

ШЕРАЛИ : - Шу билан жўрачилигимиз бузилмайди-ку.

ҚАРШИ: - Бузилади. Малика барибир орамизга сукулиб киради.

ШЕРАЛИ: - Калланг ишлайдими? Катталарга қара, хотини бўлса ҳам жўра бўлиб юраверади.

Қарши кифтини қисади.

ШЕРАЛИ: - Сен ҳам, ана, Махфиратни ол. Ар-риқ эмас. Малика иккови дугона. Биз икков жўра. Маза бўлади.

Қаршининг лабидан ип қочади.

ҚАРШИ- Ярашамизми?

ШЕРАЛИ: - Майли. Чинақайингни узат.

ҚАРШИ: Аввал сен. Урушишни биринчи ўзинг бошладинг.

Шерали қувлик қилади.

ШЕРАЛИ: - Ҳозир қоронғи бўлади. Мен илондан кўркмайман.

Қарши яна ботаётган қуёшга қарайди.

Қуёш каттакон, қип-қизил, пастки қисми ерга теккан.

Қарши жимжилоғини чўзади.

ҚАРШИ: - Майли, кел, икковимиз бирдан...

Икки жўра жимжилоқларини чалиштирадилар.

Шерали Қаршининг тўрвасига қараб юради.

Икковлашиб Қаршининг, кейин Шералининг эшагига тўрваларни ортадилар.

Қуёш ярмигача ботган.

Эшакларнинг ҳаракати илдам.

Бояги илон секин ҳаракатга келади ва тоғу тошда фарқланмай қолади.

ҚАРШИ: Маликани оладиган бўлсанг, энди шу илонингни ташла. Онаси бекорга айтмайди.



ШЕРАЛИ: - Ҳали катта бўлишимга қа-анча бор... Унгача бир гап бўлар.

Болаларнинг гаплари қизғиш ранглар ва кечки шафақ ёғдусига чулганган тоғ йўлидан эшитилиб боради.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ШОМ*

Одатдаги оқшом товушлари: ит хурган, мол мўраган, қўй баъраган, олисдан тракторнинг тариллаши келади.

Қишлоқнинг одатий манзаралари.

Ҳовли ўртасидаги лаби бетон қилинган қуруқ ҳовуз бўйида Жамшид билан Фарид пастдаги илонларни томоша қиладилар. Шербек ҳовуз ичида, кўзойнакли илонлар орасида.

Етти-саккиз илон бараварига бошини кўтариб, бўйинини шишириб, Шербек қаёққа юрса, шу ёққа бошини буради.

Шербек бир қўлидаги сим илгак билан илоннинг бўйинини силайди, бир қўлини узатиб, бошқа бир илоннинг бўйинини қитиқлаб қўяди.

Каттароқ илон виш-ш этиб Шербек томонга ташланади.

Фарид мулойим тортиб қолган.

Жамшид хайратини унча билдирмайди, лекин кўзлари сергак.

ЖАМШИД: - Заҳар тиши олинмаганми?

ШЕРБЕК: - Олинмаган. Кўрсатайми?

ЖАМШИД: - Э-э, қўй. Тинчлик керак... Сени чакмайдими?

ШЕРБЕК: - Эҳтиётини қилмаса, чақади. Илон-да бу. Бирдан чакмайди. Агар устига бориб қолмасангиз. Биринчи огоҳлантиради, мен борман деб. Кейин оғзини очиб келади. Ана шунда чақади.

ФАРИД: - Қўркмайсанми?

ШЕРБЕК: - Ўрганиб кетганман. Азоб бермасангиз, тегинмайди. Бунга ҳам тинчлик керак.

Дарвоза томондаги йўлакдан Шерали келади. Қўлида қалин бўз халта, халта ичида нималардир қимирлайди.

Жамшид сергак тортади, Шералига тикилади.

Шерали меҳмонларга бош ирғайди.

ШЕРАЛИ: - Э, салом алайкўм! Хуш келибсизлар, меҳмонлар.

Фарид унинг кўлидаги халтадан кўз узмай, ўзини орқага олишга шайланиб туради.

Шерали халтани ўғлига узатади.

Шербек индамай халтани олади-да, салмоқлаб кўради.

Шерали Жамшид ва Фарид билан қўш кўллаб кўришади.

Жамшид кўришиб бўлгандан сўнг Шералининг кўлига син солади. Шералининг бир жимжилоғи йўқ эди.

Фарид ўзининг кўришган кўлига хавфсираб қараб қўяди.

Шербек халтанинг оғзини ечиб, ичидагини тўкади.

Ерга тушган кўзойнакли илон ростланиб, бошини кўтарганча Шербекка тикилиб олади.

ШЕРБЕК: - Зўр илон-ку. Ўзингиз ушладингизми?

ШЕРАЛИ: - Йўқ, Садриддиннинг болалари. Буларни қувибди. Роса чарчатиб, кейин ушлашган. (Меҳмонларга ўгирилиб) Тоғу тошда ёввойи юрган илон бақувват бўлади. Қаранг, буларга бир яримта келади. Вишиллашини кўряпсизми?..

Шербек бўйнини ёйиб турган янги илонга махлиё туриб қолади, чуқурдаги бошқа илонлар бояги алпозда бошини унга қараб буриб олган...

ШЕРАЛИ: - Қани, меҳмонлар, ичкарига. Шербек, бўлди, сен ҳам чиқ. Чой-пойга қара.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ШОМ*

Жамшид, Фарид, Шерали кўрпачада, хонтахта атрофида ўтирадилар.

Шерали фотиҳага қўл очади, Жамшид ва Шербек ҳам унинг ҳаракатларини такрорлайдилар.

Елкасида дастурхон, кўлида қанд-қурсли ликопчалар қўйилган патнис билан Шербек киради.

Ярми очиқ эшикда Малика тўртта нон ушлаб, Шербекнинг чиқишини кутади.

ШЕРАЛИ: - Меҳмон, сўранг.

Жамшид унга ажабланиб қарайди.

Шерали бир зум ҳайрон бўлади-да, изоҳ беради.

ШЕРАЛИ: - Бу ерларда меҳмон биринчи сўрашади.

ЖАМШИД: - Ҳа... Шунақами? Яхшимисиз? Соғлиқ жойидами?

ШЕРАЛИ: - Худоба шукр. Ўзингиз яхшимисиз? Яхши келдингизми?..

Фарид нима қилишни билмай, бошини тез-тез ирғайди.  
Жамшид Фаридга имо қилади.  
Фарид ирғиб ўрнидан туради.

ЖАМШИД: - Отингиз Шерали, а?

ШЕРАЛИ: - Шундай.

ЖАМШИД: - Менинг отим Жамшид. Неччидасиз?

ШЕРАЛИ: - Эллиқдан ошдим.

ЖАМШИД: - Аниқ неччида?

ШЕРАЛИ: - Худо берган умр, эллик икки.

ЖАМШИД: - Қарийб тенг эканмиз...

ШЕРАЛИ: - Сиз ёш кўринасиз, Жамшид ака. Биз дала ҳавосида куйиб кетганмиз-да.

ЖАМШИД: - Буларни ўйнатишдан бошқа яна нима қиласиз?

ШЕРАЛИ: - Болалигимдан шунга ишқибозман. Ҳаммада ҳар хил қизиқиш бўлар экан. Бизга шундан теккан. Қўйнимда ҳам олиб юраман.

ЖАМШИД: - Чакмайдими?

ШЕРАЛИ: - Йигирма мартача чакқан. Бир-икки марта реанимацияга ҳам тушдим. Лекин ташлолмайман.

ЖАМШИД: - Бунинг ҳам харажати бордир, тирикчилик нимадан?

ШЕРАЛИ: - Зоотехникман. Бизда чорва, қўй кўп, беш-тўрт танга тушиб туради. Чўпонда ҳам пича қўй бор...

Деразадан Фариднинг йўлакдан икки қўлтиғида икки қоғоз халта билан келаётгани кўринади.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ШОМ*

Фарид халталарни Шербекка узатади.

Шербек ўзини орқага ташлаб, қўлини тўлғайди.

ФАРИД: - Ол, ука. Бунақа пайти қўлни қайтариш деган нарса бўлмайди.

ШЕРБЕК: - Ҳамма нарса етарли ўзимизда. Овора бўпсиз.

ФАРИД: - Ҳеч ким етмайди деяётгани йўқ. Қуруқ қўл билан келмаймиз-ку...

Ошхона деразасидан Малика ўғлига қарайди.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ШОМ*

Жамшид пиёладаги чойни хўплаб, бир зум жим қолади.

Шерали ҳовуздан бериқоқда гурунги қурган Шербек билан Фаридга деразадан қараб ўтиради.

ЖАМШИД: - Шерали жўра, шуларни кўпайтирса бўладими?

ШЕРАЛИ: - Бўлади. Лекин бунинг жойи дашт, тоғу тош-да.

ЖАМШИД: - Шу ерда, уйингизда-чи?

ШЕРАЛИ: - Уйда? Бунча газанданинг кимга кераги бор?

Жамшид бир зум кафтидаги пиёлани айлантиради, кейин Шералига кўзини қадайдди.

ЖАМШИД: - Керак. Масалан, бизга.

Шерали ҳам унга савол назари билан қарайди.

ЖАМШИД: - Нима дейсиз?

ШЕРАЛИ: - Жамшид ака, мен асли бунақа нарсаларга қаршиман. «Қизил китоб»га кирган илонлар ҳам одамларнинг нафсига ем бўляпти. Тошкентда ҳатто ресторанларда ҳам илон шўрва буюриш мумкин. Бу қанақа мода бўлди ўзи? Кучук, типратикан... Ҳалол - ҳаромнинг фарқламай қўйишди. Қўчқор билан буқанинг анавинақа жойи ҳам қувват бўладими? Фирт без-ку! Жанубий Америкада «игуана» деган касратки - калтакесак деликатес экан. Биров эчкемарнинг гўшти фойдали деб гап чиқарса, тамом-да. Касратки зотига қирон келади! Бу бизнес дегани бизнес эмас, бир бало бўлди.

ЖАМШИД: - Э-э, мен дўхтир буюрса ҳам емайман. Шу ҳам бизнес бўлдимми? Москваларда уйда илон сақлаш расм бўлиб, битта кобра икки юз долларга чиққанда ҳам аралашмаганман, сизга айтсам...

ШЕРАЛИ: - Унда, кўп илон нимага керак?

ЖАМШИД: - Заҳарини олишга. Шуни йўлга қўясиз, деб келдик.

Шерали бирдан сергак тортади...

ШЕРАЛИ: - Мен бунақа ишларга аралашмайман.

ЖАМШИД: - Нима, заҳарини олиш қийинми?

ШЕРАЛИ: - Билганга қийин эмас. Лекин қилмайман. Хавфли.

ЖАМШИД: - Қўйсангиз-чи. Илон ўйнатиш бундан хавфли-ку. Айниқса заҳарлисини.

Шерали бир пас индамай, ташқарига қараб турди.

Фарид чакқон сакраб, олманинг одам бўйидан баландроқ жойидан тепади.

Шербек берилиб томоша қилади.

Елкасида ўроқ айлантириб Элбек ҳам келади.

ШЕРАЛИ: - Мен хавфли деганда қонун бузишни айтяпман.

Жамшид аччиқ илжаяди.

ЖАМШИД: - Нима, ҳамма қонунга амал қиляптими? Қурган уйи беш юз минг доллар, ойлигини сўрасангиз эллик долларга бормайди. Шаҳарда, одамларнинг кўзини ўйнатиб яшайди. Қонун билан иши йўқ-ку!

ШЕРАЛИ: - Уларнинг йўриғи бошқа. Қонуннинг ўзини ҳам сотиб олиши мумкин. Шунга яраша давлати бор, дасти дароз...

ЖАМШИД: - Сиз ҳам текинга қилмайсиз. Пешонангизга офтоб тегади.

ШЕРАЛИ: - Шунақа офтоб тегмаёқ кўя қолсин.

ЖАМШИД: - Шерали, жўра, йўқ дейдиган таклиф эмас бу...

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ШОМ*

Ошхона эшиги очиқ.

НОДИРА қайнонасига эркаланиб суянган, ора-сира эри Элбекка кўз ташлайди.

Малика икки ўғлига меҳр билан қараб қўяди.

Фарид машқ кўрсатяпти.

Шербек билан Элбекнинг кўзларида ҳавас ва ҳайронлик.

### *МАКТАБ ҲОВЛИСИ. ЧОШГОҲ* (Шералининг ёшлиги)

Катта танаффус. Ўқувчилар сурони.

Малика ориққина, ҳали унча барқ урмаган, лекин ўктам қиз, унинг ёнида сал тўладан келган Махфират.

Махфират Маликанинг енгидан тортади.

МАХФИРАТ: - Шерали яна илонини обкепти. Булар ўзи жинни бўлган. Бирови илончи, бирови бургутчи. Қаршига доим айтаман: бир куни шу бургутинг кўзингни ўйиб олади, деб...

Малика аланглаб, синфдошлари қуршовида турган Шералини топади.

МАЛИКА: - Шерали!

Шерали ялт этиб қарайди ва жилмаяди.

Малика эрка дўқ уради.

МАЛИКА: - Янами? Сен бўлдинг, илонинг бўлди-да. Ҳозир йўқот!

ШЕРАЛИ: - Э-э, безарар бу.

Шерали илонини қўйнига солади.

МАЛИКА: - Сендан синфком сифатида талаб қиламан.

Шерали илжаяди.

Унинг қўйнидаги илон ҳам қўйлак орасидан бошини чиқариб, Маликага томон чўзилади.

МАЛИКА: - Вий-й, қурит бунингни! Мени чақмоқчи!

ШЕРАЛИ: - Бошқа қизлар билан иши йўқ. Нега шунақа?

Малика қизаради, ёлғондан қовоғини уяди.

МАЛИКА: - Нима демокчисан бу билан?

ШЕРАЛИ: - Йўқ, рости. Сенга ёндашсам бўлди, бу ҳам калласини чиқаради. Қўймайди...

### *ҚИШЛОҚ КЎЧАСИ. ПЕШИН*

Шерали билан Қарши мактабдан қайтишяпти.

ҚАРШИ: - Битта гап айтайми?

ШЕРАЛИ: - Айт.

ҚАРШИ: - Текинга эмас-да. Сигарет олиб берсанг айтаман.

ШЕРАЛИ: - Бўлмаса, айтма. Сигарет ўпкага зарар.

ҚАРШИ: - Зўр гап. Арзийди лекин.

ШЕРАЛИ: - Шуни чекмасанг-чи. Бўйинг ўсмай қолади.

ҚАРШИ: - Фильтрлиси никотинни ўтказмайди. Айниқса қизили.

ШЕРАЛИ: - Бари бир, зарар.

ҚАРШИ: - Зарар, зарар... Топиб олган гапларинг шу. Махфират ҳам бургут зарар деб мияни котиради. Ўлакса ейди, тумшуғи тўла бактерия эмиш, чўқиса, касал юқтирармиш.

Шерали уни ҳавас билан эшитади.

ҚАРШИ: - Буларга ҳайронман, Малика ҳам жониворга душман. Шерали илонини ташламаса, менга хомтама бўлмасин, илони мени рашк қилади, депти Махфиратга.

Шерали унга довдиранқираб қарайди.

ШЕРАЛИ: - Ростдан шундай дептими? Алдама!

Қарши кулиб юборади.

ҚАРШИ: -Рост... Э-э, айтиб қўйибман-ку! Лекин сигарет оберасан.

Шерали бирдан жўшиб кетади.

ШЕРАЛИ: - Кел, ўзишма қиламиз!

ҚАРШИ: - Катта кўчада-я?

ШЕРАЛИ: - Ичимга сиғмаяпман. Югургим келяпти.

ҚАРШИ: - Ҳа, тушунарли...

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ШОМ*

Ҳовлининг бир чеккасида таппи уйилган.

Уюм таппининг ёнгинаси ётган бир илон худди таппига қўшилиб кетгандек, зўрға билинади.

Илон ҳовлида машқ кўрсатаётган Фаридни кузатаётгандек.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ШОМ*

Уйнинг тахмони.

Кўрпалар устига ёпилган чойшаб тагида сандиқ.

Сандиқ тагида нимқоронғиликда бир нарса йилтирайди, яқин бориб қараганда унинг илон экани билинади.

Илон бошини кўтариб, гаплашаётган одамларни кўриб тургандек.

Шерали Жамшидга жимжилоғи йўқ қўлида чой узатади.

ЖАМШИД: - Яхшилаб ўйлаб олинг. Қиладиган ишингиз битта – газандани соғасиз – пулини оласиз, тамом. У ёғи бизга тан. Зараркунанданинг захаридан катта бир нарсалик бўлиб юрсангиз, нимаси ёмон? Мен сизнинг ўрнингизда ўйнаб-ўйнаб хўп дердим.

Шерали ерга қараб бош чайкайди.

ШЕРАЛИ: - Жамшид ака, иложи йўқ гапни айтяпсиз.

ЖАМШИД: - Нега? Мана, қаранг. Бу атрофларда илон борми – бор. Кўзойнакли илон йилдан йилга жанубдан бу ёққа қараб тарқалиб келяпти. Сиз – морбоз, морбознинг иши илон билан, тўртта бўлди – нима, қирқта бўлди – нима, ҳеч ким шубҳага бормади. Ҳа, морбоз-да, шунинг кўйига тушган, ишқивозликка кўпайтиради, дейишади Кимнинг ким билан иши бор бу замонда? Кейин, жўра, захарни сиз бировни ўлдириш учун йиғмайсиз-ку! Дорига! Минг-минг дардманд даво топади бундан. Нега савоб ишдан бўйин товляяпсиз, тушунмаяпман.

ШЕРАЛИ: - Жамшид ака, бу ер бир овлоқ жой, мени ҳам бир оми экан деб ўйламанг. Мен бу гапларнинг ҳаммасини биламан. Илоннинг захри қанча касалга даволигини ҳам, дунё фармацевтикасидаги ўрнини ҳам. Айтаверайми?

ЖАМШИД: - Хўш.

ШЕРАЛИ: - Россияда катта мамлакатнинг тиббиётига бир йилда бир килогина захар керак. Шу қадар танқис нарса бу. Ер юзида икки ярим минг турда илон бор. Шундан тўрт юзтача тури захарли. Ҳар йили ярим миллион одамни захарли илон чақади. Шундан ўттиз-қирқ минги ўлади. Захардан биринчи ўринда илон чаққанларни эмлаш учун аксилзахар тайёрланади. Кейин қуянчиқ, ишиас, стенокардия, гемофилия, ревматизм... Ҳатто ҳозир рақни даволайдиган препарат устида ишлашяпти.

ЖАМШИД: - Шунча нарсани билиб, йўқ деб турганингизга ҳайронман. Шу... касб деймизми, ишқивозликми, ўзи муносибми сизга? Тўғри, Ҳиндистонда кўп шунақалар. Куни ўтмаганидан ўйнатади. Гадоичиликдай бир гап бу ҳам. Юрасизми одамлардан пул тиланиб, отарчиларга ўхшаб. Сизга хазинани калитини тутқазсак, йўқ деяпсиз.

ШЕРАЛИ: - Жамшид ака, мана шу уйим, ана, ҳовлида аёлим, болаларим. Мен доим уйга бамайлихотир кириб келишни, кечқурун дастурхон атрофида яқинларим билан бир бурда нонимни беғурбат баҳам кўришни, оқшомлари тинч ухлашни истайман... Кундузи пул деб чопиб, кечаси пулни ўйлаб қалтираб, эрталаб яна пул... бизга тўғри келмайди. «Беҳуда зўр белни синдиради» - «Зўри беҳуда миён мешиканад» - ўзбек ҳам, тожик ҳам топиб айтган.

ЖАМШИД: - Кўп ўқийсизми, дейман. Китобдан ҳеч кимнинг қосаси оқармаяпти...

Тахмон тагидаги илон секин ўрмалайди.

Деразадан «Йа-а», «Ҳий-йа» деган қийқириқ эшитилади.

Ташқарида Фарид Элбекнинг қўлини қайириб, Шербекнинг елкасига оёғини кўйиб, усул кўрсатаётган эди.

Бир кампир икки қўли билан бир илонни ушлаб келади.

Элбек бошини силкиб-силкиб, илонни олади.

Фарид анграйиб қолади.

ШЕРАЛИ: - Бу укамиз чой-пой ичмайдими? Чақирайлик.

ЖАМШИД: - Кўяверинг. Ёшлар ўзлари гурунг қилаверсин... Мана, бунинг гавдасига қараманг, каратэдан мамлакат чемпиони.

ШЕРАЛИ: - Шу-я?

ЖАМШИД: - Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни. Бу билан юрсангиз ҳеч қандай қуро-пуро-пуро керакмас. Филни ҳам ўзи тинчитади.

Шерали ҳовлидан кўзини узади, унинг юзи тундлашади...



ЖАМШИД: - Шунинг заҳарининг граммини тиллога оламиз. Ўзи тоғу тошда юрган бир газанда, нима учраса чақади, шунгами, қаерда кўрсанг ўлдир, дейишади. Бир қиссада буни аввал туя бўлган, кейин феъли ёмонлиги учун ерда судраладиган қилиб қўйилган деб, айтилган. Тавба, чакса одамни ўлдиради, билиб ишлатса, одамга даво бўлади. Бўлмаса, битта заҳар. Тошу тупроқ ичида судралиб юрибди, заҳарини ҳамма ҳам ололмайди. Ололадиган одам олмайди, менга тинчлик керак дейди. Шу тинчлик бўлмайди энди.

### *ТОҒ. КУНДУЗ*

(Шералининг хаёллари)

Тоғ унгирлари, қоялар, харсанг тошлар.  
Шерали тош орасидан қочаётган илонга қараб югуради.  
Илон бошини кўтариб даф қилади.  
Шерали қўлини ўйнатиб бориб, илоннинг бўйнидан тутди.  
Шерали харсанг тош тагига қўлини тикиб, илонни суғуриб олади.  
Қоянинг кафтида илон калласини кўтариб турибди, Шералининг боши секин кўтарилиб келади-да, чакқон ҳаракат билан илонни ушлаб олади.  
Шерали чўққидан тушиб келяпти, қўлида тўртта илон биланглайди. Илон саватдан калласини кўтариб, Шералига тик қарайди.  
Шерали ҳам киприк қоқмай илонга тикилади,  
Нигоҳлар кураши бир муддат давом этади.  
Илон бунга дош беролмай, калласини туширади.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ШОМ*

Ҳовлида қўшниларининг икки боласи ҳам пайдо бўлган.  
Фарид Шербекни тик қўйиб, унинг бетига, бошига, кўкрагига «тепиб» машқ қияпти.  
Элбек Фариднинг ҳаракатини беўхшов такрорлаб кўришга уриняпти.  
Болалар хайрат билан томоша қиладилар.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ХУФТОН*

Уй девори бурчагида илон секин юқорига кўтарилади.  
Жамшид босиқлик билан Шералига гап уқтиради.  
Шерали ўз ўйларига ғарқ бўлиб ўтиради.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. КУНДУЗ*

ЖАМШИД (кадр ортидан): - Мен, жўра, камбағалчиликни бўйнига олиб, яна шунга шукр қилиб яшаётган одамларни умуман тушунмайман. Кенг дашт-дала, кўм-кўк ўт, пода-пода мол боқса бўлади. Лекин боқмайди. Ер бор, сув

бор, лекин экмайди. Худо бизни ҳам яратиб қўйган-да, деб ағнаб ётаверади. Мана, қонун, қонун, дейсиз. Қонун, эй одам, камбағалчиликка маҳкам ёпиш, сира бой бўлма, деб айтмайди. Тескариси – берсанг ейман, урсанг ўламан деб ётаверма, югур, ел, чоп, бугунингдан эртангни яхшироқ қил, дейди. Ризқингиз шу дашту тоғларда ўрмалаб юрибди, сиздан бошқа одам теролмайди, қўлидан ҳам келмайди. Шунини қилиш ўрнига қонунни пеш қиласиз...

Шерали қўлларини кериб, чўзилиб ётади.  
Илонлар унинг атрофини қуршаган.  
Илонлар унинг устида чирмашиб ётади.  
Уч-тўрттаси калласини кўтариб олган.  
Бир илон унинг юзида сирғалади, калласини кўтариб, кўзига тикилади.  
Илонлар морбозни худди юз беражак хавфдан ҳимоя қилиб тургандек.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ХУФТОН*

Илон дераза пардаси устида тебраниб туради.

ЖАМШИД: - Бу... подшолар ҳам отдан тушадиган жой қаерда?

ШЕРАЛИ: - Пошшолар?

ЖАМШИД: - Бир оёқнинг чигилини ёзсак, деяпман.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ХУФТОН*

Эшикдан Жамшид, кейинидан Шерали чиқади.

Жамшид Фаридга маъноли қараб, «Бўлди, йиғиштир», дегандек имо қилади.

Шерали қўли билан ишора қилади.

Фира-ширада ҳожатхона қаққайиб кўринади.

Ошхона ичкарасида, қозон тепасида Малика куймаланади.

Шерали ошхона ёнига борганда ўйланиб тўхтади.

Шербек ҳовлидаги обдастани кўтариб сув олгани кетади.

Томоша тугаганидан ҳафсаласи пир бўлган болалар Элбек билан дарвоза томонга юрадилар.

Шерали ошхонага киради.

ЖАМШИД: - Сен бориб кел, мен кейин.

ФАРИД: - Шунча узокқа қурадими? Чироқ-пироғи ҳам йўқ. Анави нарсалари юрмасмикан?

ЖАМШИД: - Э-э, кечаси ўтлатадиган нарса эмас-ку.

ФАРИД: - Айтиб бўладими? Билла борайлик. Боя кўрдингизми, битта кампир илонни «Манави соғонангни олиб кўй», деб кўтариб келса, эсим чиқиб кетди.

ЖАМШИД: - Йўғ-э? Кўрмабман. Тирикми?

ФАРИД: - Э-э, шунақа тирикки! Биланглаб турибди.

ЖАМШИД: - Эҳтиёт бўлиш керак экан. Майли, юр.

Шерали ошхонадан чиқади.

Елкасида сочик, кўлида обдаста, дастшўй билан Шербек отасининг ёнига келади.

ШЕРБЕК: - Ота, ёмон кучли одам экан. Қўлимни, томирини топиб бир қисган эди, жоним чиқиб кетай деди. Курашаман десам, ҳеч ерини ушлатмайди-я. Мени ҳам, Элбек акамни ҳам ўзига шогирд қилмоқчи.

ШЕРАЛИ: - Ким яхши гапирса, лаққа тушиб ўтирма, ўғлим. Аввал кимлигини бил.

Қир белида якка бадраф, унинг олдида турган Жамшид чекаётган сигарет чўғи қоронғида милтиллайди.

Қишлоқнинг тунги бир-бирига аралаш товушлари чигиртка чириллаши, машина мотори овози, жуда олисда трактор тариллаши, ора-сира итларнинг ҳуриши эшитилиб туради.

Бу осойишталикни туйқусдан Фариднинг бақириси бузади.

ФАРИД: - Вой-дод! Еб кўяди! Қаранглар!

Фарид бақирганча, бир кўли билан шимини тутиб, ҳожатхона эшигидан отилиб чиқади.

Жамшид ҳам беихтиёр додлаб, ўзини бир-икки қадам орқага ташлайди.

ФАРИД: - Еб кўяди! Тўппончани олинг. «Жип»да!

Ҳожатхона ичидан ангиллаб бир ит қочиб чиқиб, ўзини ёнбошга уради.

Шерали билан Шербек ҳай-ҳайлаб бу ёққа югурадилар.

Малика ошхонадан чопиб чиқади.

Ичкаридан чақалоқ йиғиси эшитилади, Нодира ошхонадан чиқиб, уйга югуради.

ШЕРАЛИ: - Тишламадими?

ФАРИД: - Э-э, худо бир асради, чаққонлик қилиб қолдим. Айиқмиди ўзиям?

Шербек кафти билан оғзини ёпиб, пиқирлаб нари кетади.  
Шерали кулиб юборади.

ШЕРАЛИ: - Бизнинг Тузикбой-ку! Бечоранинг юрагини ёрдингиз.

ЖАМШИД: - Нима, ўргатилганми?

ШЕРАЛИ: - Ўзимизнинг кучук. Кириб паналаб ётган-да.

Жамшид хохолаб кулади. Фарид ўзига келолмай ҳовлиқиб гапиради.

ЖАМШИД: - Айиқ эмиш-а.

ФАРИД: - Йўғ-э! Жуда каттаю! Жуни узун!

ШЕРАЛИ: - Ана-ю. Қаранг.

ФАРИД: - Ёмон ириллади лекин! Кесак излаб пайпасласам, қўлимга жуни илинди. Пўстак экан, юламан деб бир тортганимни биламан... Шундай ириллади! Бир сакрашда учиб чиқдим.

ЖАМШИД: - Иштонни тўғрила. Йўқотиб қўясан.

Фарид шимининг камарини тортади.

ФАРИД: Қўл ҳам машқда тош қотган-да. Бир тортганда жонини суғуриб олдим ўзим ҳам.

ЖАМШИД: - Кучук одам тилида бақириб юборган экан-да.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборади.

Дарвоза томондан ҳаллослаб кичкина ШЕРАЛИ югуриб келади.

ШЕРАЛИ: - Адаш бово, отам, чоп, нима шовқин экан, деб юбордилар.

Унинг кетидан Қаршининг ўзи ҳам кўринади, у ҳали етиб келмасидан шовқинлайди:

ҚАРШИ: - Шерали! Нима гап? Безарарми? Неварангга, Шерали, чоп, бобонгникида тинчликмикан, дедим-у, ўзимнинг ҳам сабрим чидамади.

ШЕРАЛИ: - Ҳеч гап йўқ. Кучугимиз меҳмонни қўрқитибди.

Қарши меҳмонларга энди эътибор қилади.

ҚАРШИ: - Ия, айтмабсан-ку... Меҳмон, дамликкинамисиз?

Жамшид хушламай қўл беради.

ҚАРШИ: - Биз болалиқдан жўра. Ўғлимга ҳам шунинг отини қўйганман. Шерали, торт меҳмонларни бизнинг уйга.

ЖАМШИД: - Йўқ, раҳмат! Вақтимиз йўқ. Қайтамиз.

Қарши Шералига нажот сўраб қарайди:

ҚАРШИ: - Қандай бўлди энди?

Шерали кифтини учиради.

ҚАРШИ: - Жонлик сўярдик-да. Шералининг меҳмони – бизнинг ҳам меҳмон эди-да. Мана, қўлини кўрдингизми? Шу мени деб бўлган-да...

*МАКТАБ ҲОВЛИСИ. ЭРТАЛАБ*  
(Шералининг ёшлиги)

Йигирма чоғли ўғил-қиз.

Қизларнинг қўлида ҳар хил нарсалар: нон ўроғли дастурхон, дастурхонга ўралган тоғора, бўз халталар.

Қизлар кўйлак тагидан спорт шимлари кийиб олганлар.

Ўғил болаларнинг ярмидан кўпроғида «олимпийка», қолгани оддий одми кийимда.

МАЛИКА: - Ҳамма нарса олиндимми? Кўк пичак кимда?

МАХФИРАТ: - Менда.

МАЛИКА: - Жиз ўзимда. Қарши?

ҚАРШИ: Менда ўнта минерал сув. Ўнта лимонад Шералида. Етар?

ШЕРАЛИ: - Чойни ўша ёқда қайнатамиз. Ўтин чопишга болта ҳам олдим.

МАХФИРАТ: - Қарши, арқон нимага?

ҚАРШИ: - Тоғ жой. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.

МАХФИРАТ: - Сени биламан, бир балони бошлама тагин?

*ТОҒ. ЭРТАЛАБ*

Қоя этагидаги қирда дастурхон атрофида давра қуриб ўтирган болалар бир ҳовуч бўлиб кўринади. Магнитофондан таралаётган мусиқа юқоридан баланд-паст эшитилади.

Қарши осмонга тикилади.

Осмонда бургут давра ясаб учади.

Малика ёнидаги Шералига шивирлайди.

МАЛИКА: - Бугун тийилиб ўтирарсан?

ШЕРАЛИ: - Гап битта. Мана, ўтирибман-ку.

Қарши секин туриб арқонни елкасига олади.

Махфират унга норози қарайди.

МАХФИРАТ: - Биламан, полапон ушлашга чиқяпсан.  
ҚАРШИ: - Бир айланиб келай.  
ШЕРАЛИ: - Бодиланма. Тинч ўтирайлик.  
МАХФИРАТ: Ҳозир ҳаммамиз айланишга чиқамиз-ку.  
ҚАРШИ: - Мен бир пасда тушаман.

Қояда бургут уяси. Уяда икки бургут полапони.  
Қарши тошдан-тошга тармашиб, чаккон ўрлаб келяпти.  
Бу томонда уяга қараб илон судраляпти.  
Уяда икки бургут полапони кўринади.

Қарши бургут ин қурган тош ортидан кўкрагигача кўтарилади ва ўзига тикилиб турган илонга кўзи тушади.

Илон бир силтанади ва... уни чақиб олади.

Қарши «Воҳ!» деб ўзини орқага ташлайди ва қоя бағридаги кафтдек жойга йиқилади.

Пастдаги болалар сакраб туриб, қичқириб юборадилар.

МАХФИРАТ: - Қарши! Бир нарса де!  
ШЕРАЛИ: - Ёмон йиқилмадингми? Биз кўрмаяпмиз.  
МАЛИКА: - Учиб тушди. Чиқиш керак.  
БИР ЎҚУВЧИ: Ишқилиб тошга тушмаган бўлсин.  
БИР ЎҚУВЧИ ҚИЗ: - Вой, кўрқиб кетяпман. Отамдан сўрамаган эдим.

Шерали болтани кўлига олиб, тоққа тармашади.  
Пастда қий-чув, тўс-тўполон бошланади.

Бир илон ҳушдан кетиб ётган Қаршининг тагига кириб кетади. Иккинчиси нарироқда бошини кўтариб туради.

Эсхонаси чиқиб кетган Махфиратни Малика кучоқлаб олдган.

ШЕРАЛИ: - Қарши, Қарши!

Шерали иккинчи илонни кескин ҳаракат билан ушлаб, пастга улоқтиради.

ШЕРАЛИ: - Чақибди-ку! Қарши, жўражон, кўзингни оч!

Қаршининг ҳимарилган билагида жуфт тешикдан қон сизиб чиқади.  
Пастдан болаларнинг хитоби эшитилиб туради.

МАЛИКА: - Шерали! Нима қилибди? Нега индамайсан?

МАХФИРАТ: - Нега Қаршининг ўзи кўринмайди? Шерали!

БИР ЎҚУВЧИ: - Бир гап бўлганга ўхшайди.

ИККИНЧИ ЎҚУВЧИ: - Шерали! Бир нарса де!

МАЛИКА: - Бунисига ҳам бир гап бўлдимми?

Шерали чўнтагидан устара олиб, Қаршининг билагидаги илон чакқан жойни тилади ва лаб босади...

Кўйлаги этагини йиртиб, Қаршининг билагини илон чакқан жойдан юқорироғини боғлайди.

ШЕРАЛИ: - Мана, яхши бўлди. Қарши, одамни кўрқитма, жўра, кўзингни оч!

Қаршини белидан кўтармоқчи бўлиб, тагига қўл тикади ва вой-войлаб қўлини тортиб олади.

Бир зум қўлини чангаллаб ўтириб қолади.

Кейин ўзига келиб, арқоннинг учини пастга ташлайди, болаларга «осилиб чиқинглар», деб ишора қилади...

Кейин... қўлини тошга қўйиб, болта билан жимжилоғини чопиб ташлайди. Қўлидан тизиллаб қон отилади. Ерда жимжилок ликиллади.

Болалар белидан чандиб боғланган Қаршини туширадилар.

Шерали хушидан кетар даражада, кўкрагидан арқон ўтказилган, юқоридан бир ўқувчи арқонни маҳкам чангаллаган, ёнида икки ўқувчи сал гандиракласа, қўлтиғидан тутди.

Махфират Қаршининг тепасида ваҳимада қотиб туради.

Маликанинг кўзи тўла ёш, Шералига термилади.

### *КАСАЛХОНА, КУНДУЗ*

Икки каравотли хона. Бирида Шерали, бирида Қарши.

Иккаласига ҳам осма укол қўйилган.

Қарши бошини буриб, Шералига миннатдор қарайди.

Шерали унга кўзини қисиб қўяди.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ХУФТОН*

Жамшид асабий аҳволда Шералига гап уқтиради.

Шерали бошини эгиб жим эшитади.

Фарид нарироқда айланиб юрибди.

*ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ХУФТОН*

Илон яна тахмон тагига кириб кетади.

*ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ*

Шерали ошхона томонга қарайди.

Ошхона деразасидан Малика имо қилади.

Шерали бош ирғайди ва Жамшидни ичкарига манзират қилади.

ШЕРАЛИ: - Қани, Жамшид ака. Ў-ў, Фарид ука, ичкарига!

Элбек ошхонадан патнис кўтариб чиқади.

Патнисдаги косаларда шўрванинг суви чайқалади.

Шербек лаган тўла гўшт кўтариб ўтади.

*ШЕРАЛИНИНГ УЙИ, ХУФТОН.*

Дастурхон устида Жамшид, Фарид, Шерали.

Жамшиднинг юзи тунд.

Шерали ғаш.

Фарид тез-тез иккаласига қараб қўяди.

ШЕРАЛИ: - Тузук олмаяпсизлар. Бизда меҳмонга ош эмас, шўрва осилади.

ЖАМШИД: - Йўқ. Едик. Энди турайлик.

ШЕРАЛИ: - Алламаҳал бўлди, бугун ётиб қолинглар.

Фарид Жамшидга хавотир билан қарайди.

Тахмон тагида илон йилтирайди.

ЖАМШИД: - Самарқанд мошинга икки қадам. Ҳали қиладиган ишларимиз бор. Дастурхонга фотиҳа ўқийлик.

ШЕРАЛИ: - Бу ёғи қандоқ бўлди?

ЖАМШИД: - Ҳали келамиз. Ҳозир рухсат берсангиз. Қани, омин!

Фарид енгил тортиб, фотиҳага қўл очади.

*ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ХУФТОН*

Уюм таппи ёнида илон гажакланиб ётади.

Жамшид, Фарид ўтади.

Шерали уларни кузатиб чиқади.

Шербек ва Элбек уларга эргашади.



Ошхона деразасидан Малика билан Нодира қараб қўядилар.

*УЙ. КЕЧАСИ*

(Маликанинг ёшлиги)

Маҳлиё дастурхоннинг гажимини ўйнайди.

Эгамберди ёнбошлаб олган, ўзини вазмин тутишга интилади.

Дастурхонда чойнак, икки пиёла, бир ликопчада новвот.

Маҳлиё дастурхон гажимини ўйнашни қўйиб, эрига синовчан қарайди.

МАҲЛИЁ: - Ўзингиз биласиз-ку, лекин отанинг даврида бунақа эрка ўсган бола, кейин рўзғор тутармикан?

ЭГАМБЕРДИ: - Менга ҳам шуниси ёқмаяпти-да. Бой оилага берамиз деб, балонинг уясига тикиб қўймайлик.

МАҲЛИЁ: - Кейин кўзини очирмайди.

ЭГАМБЕРДИ: - Очиқ эшик келади-да энди. Бу ёқда ўқишини битирди.

МАҲЛИЁ: - Қизингизнинг кўнглига ҳам қараш керак.

ЭГАМБЕРДИ: - Бултур гап очганда, ўқиши битсин-чи, деган эдим.

МАҲЛИЁ: - Умидлантирган экансиз-да. Яна келишади унда.

ЭГАМБЕРДИ: - Ҳайдаб солмайман-ку, қатнаса қатнар.

МАҲЛИЁ: - Ҳаммасини билиб туриб, нега аниқ жавоб қилмадингиз?

Эгамберди шахд билан қаддини ростлаб, чордона қуради.

ЭГАМБЕРДИ: - Эй, менга қара. Сенларнинг айтганларинг бўлмайди! Кўнгли дейсан. Ювса кетадиган бўёқ-да.

Маҳлиё жим қолади, эрига секин ер остидан сузилиб қарайди.

ЭГАМБЕРДИ: Менга бунақа қарама! Уйига борсам, кўнгил хотиржам ўтиролмайман. Бир умрга яшаши керак. Илонхонага қиз бераманми? Ё тавба! Ўзлари қандай ётар экан? Молгами, қўйгами, бор, ана, одамга ўхшаб зотдор кучукками ишқибоз бўлса, майли эди.

Маҳлиё бошини кўтариб, эрига тик қарайди.

МАҲЛИЁ: - Ўқияпти-ку, мана, молдўхтирликка. Битириб келсин, ишингиз тушиб борарсиз ҳали. .

Эгамберди ўрнидан туради, бошидаги қалпоғини ечиб, қоқиб-қоқиб қайта кияди-да, ташқарига йўл олаётиб, бурнининг тагидан тўнқиллайди.

ЭГАМБЕРДИ: Икки хотин гапни бир жойга қўйиб олиб, яна мендан гап онгламоқчи бўласан.

Маҳлиё лабидан ип қочганини кўрсатмаслик учун яна бошини эгиб, дастурхоннинг гажимига ёпишади.

ЭГАМБЕРДИ: - Ё хотин олсин ё илонларини қучоқлаб ётаверсин. Гап битта. Келса, одамани эшикдан қайтараман... Ҳали остонангни босиб ўтгани йўқ ўзи, сенинг алҳаминг олти. Келсин ҳали...

Эамберди эшикни қарс ёпиб чиқиб кетади.  
Маҳлиё мамнун жилмайиб қолади.

*ДАРВОЗА ОЛДИ. ТУН.*

«Жип» лапанглаб дарвозадан тисарилади.  
Шербек қўли билан ишоралаб, машина чиқишига кўмаклашади.  
Шерали билан Жамшид индамай қараб турадилар.

ЖАМШИД: - Қаптархона манави томондами?

ШЕРАЛИ: - Ҳа, келишда бу ёққа қараб бурилган йўлингиздан тўғри кетади.

ЖАМШИД: - Чиройли жойларми?

ШЕРАЛИ: - Биз ўрганиб кетганмиз. Яхши жойлари кўп.

ЖАМШИД: - Майли, яна бир ўйланг.

Жамшид Шералига шивирлайди.

ЖАМШИД: - Оғайни, бу ҳаммага дoston қиладиган гап эмас. Фақат ўзингиз билинг.

Шерали индамайди.

«Жип» қайрилиб, йўлга тўғри бўлади.  
Шербек билан Элбек Фаридга қўл кўтариб хайрлашади.  
Шерали бошини силкитиб қўяди.  
«Жип» гуриллаб жойидан қўзғалади.

Осмонда тўлин ой.

*КЎЧА. ТУН*

Осмонда тўлин ой.

Пастда тоғ орасидаги қишлоқ.

Эл ётган, уйларда чироқ ўчган бир пайт. Фақат яккам-дуккам ховлиларда чироқ ёниқ.

Икки одамнинг қораси кўринади.

Қарши ва Шералининг товушлари эшитилади.

ҚАРШИ: - Айтганман, бугунга келишганмиз.

ШЕРАЛИ: - Ҳайдаб солмаса бўлди.

ҚАРШИ: - Энди нимага кўрқасан? Бўлди энди, нон синди!

ШЕРАЛИ: - Феълини биласан-ку.

ҚАРШИ: - Қанақа феъли? Бу ёғи сен устун. Совчи қўйганларга йўқ деди-ку. Сени деб.

ШЕРАЛИ: - Қўрқмаяпман-у, юрагим ўйнаб кетяпти. Шу... ўзи чиқса бўлмасмикан? Янгаси керак эмас эди.

ҚАРШИ: - Янга бўлмаса, бўлмайди. Аввал янга чиқади, кўнмаган бўлади, совғани берасан, ноз қилади, ў-ў, кейин қиз билан учраштиради.

ШЕРАЛИ: - - Мунча кўп гапирасан. Ўзинг борганда ёнингда эдим-ку.

ҚАРШИ: - Ўзинг сўраяпсан, мен тушунтиряпман. Мен билан учинчими, тўртинчими қаллиққа борганимда боргансан. Ҳамма қизик биринчисида, кейин осон кўчади. Биринчисида сен билан боришга ният қилгандим, ўқишдан келмадинг... Шу ердан ошиб ўтамыз.

Шатир-шутур шох-шабба сингани эшитилади.

Икки дўст четан девордан ошиб тушиб, чўкқайиб оладилар.

ШЕРАЛИ: - Ухлаб ётишибди-ю!

ҚАРШИ: - Нима, бутун қишлоқ ухламай, сени карнай-сурнай билан кутсинми? Мунча жоникасан?..

Чироғи ўчиқ уй деразасидаги оқариб турган парда қимирлайди.

Қарши паналаб бориб, деразани чертиб, шивирлаб чақиради.

ҚАРШИ: - Гулбаҳор янга, ў-ў, Гулбаҳор янга.

Шу пайти ёнбошдан бир ит ириллаб чиқади.

Қарши қочиб келиб, Шералига урилади.

Икки дўст жон ҳолатда четанга тармашади.

Шерали ихраб қўяди.

Итнинг вовуллаши, қарс-курс, шатир-шутурнинг ичида Қаршнинг тўнғиллагани эшитилади.

ҚАРШИ: - Келишган эдик-ку, нега кучугини бойламаган?

Уй эшиги очилиб, чироқ ярқ этиб ёнади.

Маҳлиё чиқади.

МАҲЛИЁ: - Сағана колгур! Тур, йўқол!

Маҳлиёнинг қўлида калтак пайдо бўлади.  
Итнинг уни ўчиб, думини қисганча қочади.  
Ҳовли чироғи ўчади.  
Маҳлиё ичкари кириб кетади.  
Яна жимлик.

ШЕРАЛИ: - Онаси чиқдию! Энди бўлмас?

Қарши ҳиринглаб кулиб, яна четан деворга тармашади.

ҚАРШИ: - Бўл-эй! Тонг отгунча тураверамизми... Бизни хотин ҳам кутиб ётгандир.

Қарши чертмасданок деразанинг ўзи очилади.

ГУЛБАҲОР ( ўзи кўринмайди): - Қаршижон, куёвнинг фақат иштони йиртилдими, ё бир жойини кучук юлиб кетдими?

Ичкаридан пиқир-пиқир кулги эшитилади...

### *МАЛИКАЛАРНИНГ УЙИ*

Малика бошига рўмол ташлаб, худди ерга кириб кетаётгандек эгилиб олган.

Шерали ҳам гиламдан кўзини узмайди.

МАЛИКА: - Чойдан ичасан... ичасизми?

Шерали Маликага ялт этиб қарайди.

ШЕРАЛИ: - Ҳа. Чой...

Шерали чойнакка қўл узатади.

Малика рўмоли тагидан қўлини чўзиб, чойнакни ўзига тортиб олади.

МАЛИКА: - Бундан кейин чойни ўзим қуяман.

Малика рўмолнинг бир чеккасини кўтаради, қоронғида оппоқ тишларини кўрсатиб жилмаяди.

Шерали унга бир қараб, кўзини олиб қочади.

МАЛИКА: - Мунча қалтирайсиз? Илонингиздан ҳам ёмонманми? Гапдан олинг.

ШЕРАЛИ: - Нимани гапирай?

МАЛИКА (майин шивирлаб): - Яқинроқ ўтиринг, гапимиз эшитиляпти... Қўрқманг, чақиб олмайман.

Шерали лабларини йиғиштиролмай, Малика томонга сурилади...

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ, ТУН*

Оқшом, уй ичи.

Шерали тўрда, ўйчан йўл қараб ўтиради.

Малика эркалатиб Шербекнинг бошини силайди, Шербек, ғаши келиб, онасининг қўлини олиб қўяди.

Нодира чақалоқни Элбекка бериб, ўзи чойнақни олиб чиқади.

Шербек отасининг нигоҳини тутишга интилади.

Малика Шералига чой узатади.

МАЛИКА: - Қизиқ одамлар эканми? Бирови чибжинглаган, каттаси бамаънига ўхшайди-ю, лекин кўзи совуқ. Нимага келишибди?

ШЕРАЛИ: - Ҳай, одамзотнинг иши кўп, ташвиши бисёр...

МАЛИКА: - Сизни ҳам ўй босиб қолди? Мундай очилинг.

ШЕРАЛИ: - Очқман. Беш-тўртта илон ушлаб беринг деб келишибди, шуни ўйлаб ўтирибман.

МАЛИКА: - Жуда ишондим гапингизга...

ШЕРАЛИ: - Болаларим, дамларингни олаверинглар. Шербек, барвақт тургин, бензин келармиш.

ЭЛБЕК: - Ота, эртага бир ўн беш минг керак эди.

ШЕРАЛИ: - Онангдан ол. Нимага?

ЭЛБЕК: - Битта кирза этик обқўймоқчи эдим...

Уйда Шерали билан Маликанинг ўзлари қолган.

Малика эрининг нима дейишини кутади.

ШЕРАЛИ: - Энди, хотин. Очиладиган бўлсам, гап бундай. Булар захар деб кепти. Жуда кўп керак экан.

Маликанинг захраси учиб кетади.

МАЛИКА: - Йў-йў-йўқ! Бошидан қолсин. Менга қолса, шу борини ҳам қуритинг. Мен ҳам уйда эмин-эркин юрай. Бир кун оқшом бўлмасангиз, мижжа қоқмай чиқаман.

Шерали синовчан назар ташлайди.

ШЕРАЛИ: - Бу ёғини эшитмадинг: граммига минг-икки минг доллар берамиз, деяпти.

МАЛИКА: - Қанча? Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур. Катта пулнинг ғурбати ҳам катта бўлади, хўжайин. Шунча одам долларсиз ҳам яшаяпти.

ШЕРАЛИ: - Мен йўқ дедим.

МАЛИКА: - Тўғри қилибсиз. Худонинг бериб тургани ҳам етади. Элчилик - ҳамма нима бўлса, биз ҳам шу. Бошингиз омон бўлса бўлди... Отаси, шу касб... Энди ёшлигингизда бир қизиқиш бўлган. Ҳозир нима керак? Мана, шундан ғалва ҳам келяпти. Қарши жўрангиз ўша тоғда полапон оламан деб, илон чаққандан кейин «бургутга йўламайман», деб бир қасам ичди, мана қутулди... Лекин шаҳарга борганда зоопаркка бир тушармиш.

### *ЙЎЛ. ТУН*

Дашт туни, ой ёруғи.

Унда бунда тўп чироқлар милтиллайди.

Фарид «жип» рулини чангаллаб, йўлга тикилади.

ЖАМШИД: - Уйқунг келмаяптими? Ё қолиш керакмиди?

ФАРИД: - Қолсак ҳам, мен «жип»да ётардим. Э-э, уйиниям...

ЖАМШИД: - Итдан кўрққанинг шунча ўтиб кетдими?

ФАРИД: - Ака, гап кучугида эмас. Уйида ўтирсам, худди биров тепамда туриб, кет, тезроқ жўна, дегандай бўлаверди. Бир балоси бор уйида, бўлмаса, илонлари чуқурдан чиқолмайди.

ЖАМШИД: - Тўғри-эй, сенда ҳам шундай бўлдими? Мени ҳам бир оғир юк босиб келаётгандай бўлаверди. Ким билади, бир умр иши шу, илоннинг хислати одамга ўтармикан?

Фарид Жамшидга ялт этиб қараб қўйди.

ФАРИД: - Рост-эй! Одамга ҳам жуда оғир қарайди.

Фарид кескин тормоз беради.

Жамшид икки қўли билан «торпедка»га тиралиб қолади.

Бир яйдоқ от йўлни кесиб ўтади.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ТУН*

Чуқурдаги илонлар ой нурида товланади, уларнинг ҳаракати секин.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ТУН*

МАЛИКА: - Носинашта одамлар. менга қолса, ёндашманг. Вой... ер юткур, гап пойлаб ётибди! Ана, тахмон тагида.

Шерали ирғиб туради.

У чакқон ҳаракат билан илонни тахмон тагидан тутиб чиқаради.

Илон унга қараб калласини кўтаради.

ШЕРАЛИ: - Ҳе, жонивор, нега уйга берухсат кирдинг...

У илонга яна алланарсаларни айтиб пичирлаганча эшикка юради.

Илон худди эшитаётгандек, унинг қўлида тебраниб боради.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ТУН*

Таппи ёнидаги илон Шералига қараб чўзилади.

Шерали икки қўлида икки илон илонхонага қараб юради.

### *ЙЎЛ. ТУН*

Рўпарадан келаётган машиналар фараси кўзни олади.

Фарид узокни ёритаётган чироқларини яқинга ўтказди.

Қаршидаги машинада ҳам шу ҳолат такрорланади.

ФАРИД: - Ака, юрамизми ялиниб? Ўзимиз қилсак-чи?

ЖАМШИД: - Нимани?

ФАРИД: - Шунинг захарини олишни.

ЖАМШИД: - Сен-а? Кучук ирилласа иштонинг тушиб кетади.

ФАРИД: - Мен ҳаётда ёнига йўламайман...

ЖАМШИД: - Бўпти-да.

ЖАМШИД: - Ака, бундай: бозорда мардикор кўп. Эрталабдан кечгача қора меҳнатда, лекин куни ўтмайди. Шуларга ушлатсак... Донасига мунчадан десак, жон дейди. Захарини олишга ҳам илончи топилар. Қуритиш, сотиш чўт эмас.

Жамшид кўрсатгич бармоғи билан чаккасини нуқийди:

ЖАМШИД: - Мана шу еринг ишламайди-да. Мардикорга ҳам жон ширин! Ушлашни билгани сенга бермайди. Ўзи сотади. Талабгор кўп. Зарил одам, неча пул деса, олади. Захарини олишни билса, унга воситачи керак эмас. Мардикор эмиш, битгаси гуллаб қўйса, урди худо!.. Сал секинлат. Шошиб борган жойга, секин ҳам етасан.

ФАРИД: - Дикқатим ошиб кетяпти. Бу битишли хотиннинг ўғил туғиши кийин...

ЖАМШИД: - Сен яхшилаб қараб олдингми?

ФАРИД: - Ҳа, ака, тоза қараб олдим. Ҳовлисининг ҳамма ёғи очиқ, уйларининг эшигига қулф солмас экан булар. Анави нарсалари юрмаса бўлди.

ЖАМШИД: - Ҳаммаси чуқурда экан-ку. Чиқарса ҳамсоя-памсояникига ҳам ўтиб кетиши бор. Энди, буни Солига айтиб юрма. Одам-да, сесканади.

ФАРИД: - Майли, айтмайман... Бугун нима кун?

ЖАМШИД: - Сешанба.

Фарид бир чап қўли рулда, ўнг қўлида бармоқларини букиб, санайди.

ФАРИД: - Чоршанба, пайшанба, жума. Жума буларнинг бир яқининики-да тўй. Ўғли айтди. Ҳаммаси тўйда бўлади. Кучуги ҳам эргашиб кетар экан.

ЖАМШИД: - Жуда зўр! Топгани икковингники. Бу захар ахтарган деган шубҳа қилмаслиги учун. Кўп нарсани биледи, лекин дамдўз. Ўзи ишлайдими дейман. Захар бўлиши керак. Бунча илонни бошига урадими бўлмаса? Ўйнатишга иккита-учтами бўлса етади-да.

Жамшиднинг қўл телефони товуш беради.

Жамшид телефонни олади.

Жамшид «жип»да.

Федор Дмитриевич ўз уйида.

ЖАМШИД: - Федор Дмитрич, иш пишганича йўқ ҳали.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Сабаб?

ЖАМШИД: - Ё кўрқяпти, ё ичдан пишган. Яна кўрамиз.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Вақт йўқ, нимани кўрасан яна? Пулини айтдингми?

ЖАМШИД: - Айтдим, лекин савдони очмадим.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Сен вазиятни тушунмаяпсан? Ё каламушлик қияпсанми?

ЖАМШИД: - Федор Дмитрич! Бу нима деганингиз? Йигирма йилдан бери сиз туфайли одам бўлиб юрибман-ку. Нега ўзимни четга оламан, борми ўзи шунақа чет?!

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Унда нега бирданига нархини айтмайсан? Нега ўсмоқчилайсан? Мисрми сенга, савдони бир баунтидан бошлайдиган. Ҳозир пулнинг бетига қараш керак эмас. Ҳозир бизга фойда эмас, тирик қолиш керак, тушуняпсанми? Кўндир нима қилиб бўлса ҳам.

ЖАМШИД: - Тушундим, тушундим.

ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Қуруқ тушунганингни нима қиламанг?

ЖАМШИД: - Бошим билан жавоб бераман.



ФЕДОР ДМИТРИЕВИЧ: - Бошинг ҳозир бизга ҳам керак бўлиб турибди, Рашид. Гап шундаки, шу икки-уч кун ичида аҳвол кескин ўзгарди. Олимни кузатганимизга қарамай, Бишкек очилиб қолди, Боку ҳам чаток, Таллинда ҳам суриштирув бошланди. Олим гуллаб бўлган экан. Бу мамлакатлар бир-бири билан чаплашиши мумкин, ёвлашиши мумкин, лекин махфий хизматлари ялакатмағиз ишлайди. Бозор касод, лекин йўқ нарсанинг ўрнини тўлдириш керак. Шунинг учун нима қилиб бўлса ҳам, янги ишни йўлга қўясан. Зудлик билан. Кейин, то ҳосил тўплангунча, қозокнинг тулжитумоғи, туркманнинг чўгирмасинингми тагига кириб, кўринмай турасан. Умид фақат сендан. Қилолсанг, яшаб кетасан. Бўлмаса, ўлиб ўлолмайсан, тирик ҳам юролмайсан...

«Жип» каттарок чуқурга дуч келиб кўтарилиб тушади.  
Жамшид Фаридга бақиради.

ЖАМШИД: - Кўзингга қараб ҳайдасанг ўласанми?

ФАРИД: - Узр ака, узр.

ЖАМШИД: - Ўзи узримиз чиқиб ётибди-ю... Сен ҳам бир нарсани тушунасанми ўзи?!..

Фарид машинани секинлатади, Жамшидга ботинмай қараб қўяди.

### *ҚИШЛОҚ КЎЧАСИ. КУНДУЗ*

Икки кўча кесишган жойда отлиқ жарчи кўлини оғзига карнай қилиб қичқиради:

ЖАРЧИ: Хў-ў, эшитмадим деманглар... Шу келар шанба Айирғичдаги Абсаттор чўлиқникида чупуррон тўй! Бутун жамаатингиз билан. Хў-ў, шу келар шанба...

Бир хотин – ОЙСАРА ҳовлида туриб, жарчининг даъватига кулоқ тутаяди.  
Икки ҳовли ўртасидаги тўсиқдан иккинчи хотин ГУЛАСАЛ қарайди.

ГУЛАСАЛ: - Кимникига деди?

ОЙСАРА: - Анав Абсаттор-чи. Айирғичдан.

ГУЛАСАЛ: - Қайси Абсаттор?

ОЙСАРА: - Анав, Чинибоевнинг қизини олган.

ГУЛАСАЛ: - Султон бовонинг боласими?

ОЙСАРА: - Ўша чупуррон тўй беряпти.

ГУЛАСАЛ: - Тўйи яқинда бўлганди-ку? Дарров боласи кестирадиган бўлдими? Тавба, вақтнинг ўтишини...

ОЙСАРА: - Ҳадемай хотин обераман деса, кеча кестирувди-ку, дейсиз...

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. КУНДУЗ*

Малика ҳовлида тик турганча, ерга қараб, жарчига қулоқ солади. Шербекнинг қўлида темир илгак, илонхонада куймаланади.

МАЛИКА: Эҳ, худойим! Қўй зормандани. Эрмагинг шу. Чиқ бу ёққа!

ШЕРБЕК: Сизнинг ҳам мендан бошқа эрмагингиз йўқ. Гапираверасиз.

МАЛИКА: - Вой, онангга шундай дейсанми? Шуларнинг феъли ўзингга уриб кетяптими, дейман.

Шербек онасига норози қарайди.

Ичкаридан Элбек чиқади.

МАЛИКА: - Абсаттор аканг тўй қияпти.

ШЕРБЕК: - Биладан.

МАЛИКА: - Билсанг, бор-да. Бизга нима хизмат де. Қараш. Отангнинг шунча қўйини боқиб беради. Кўп яхшилиги теккан бизга, ахир.

ЭЛБЕК: - Она, боя келдик ўша ёқдан. Ҳозир яна кетамиз. Мен Тилаб ака билан ерни гаплашдим, бу илонлардан хабар олай, кечаси келмаймиз-ку.

МАЛИКА: - Ҳе, илони бошидан қолсин! Отанг қаерда?

ШЕРБЕК: - Қаерда бўларди? Абсаттор аканикида.

МАЛИКА: - Элбек, келин тайёр бўлсин, бизларни ҳам олиб кетасизлар.

### *ШЕРАЛИНИНГ УЙИ. ТУН*

Деразадан ой ёруғи оқиб киради ва олисда бўлаётган тўй мусиқаси элас-элас эшитилади.

Ой нурига тўла ҳовлидан бир шарпа ўтади.

Эшик заиф ғийқиллаб очилади, шарпа секин ичкари киради.

Ойнинг ғира-шира ёғдусида тахмонда ёпиғли чойшабнинг гуллари майин товланади.

Дераза пардаси билинар-билинемас қимирлайди.

Пардачўп устида ўрмалаётган илоннинг териси хира йилтирайди.

Деразадан тўйнинг паст шовқини сизиб киради.

Шарпаннинг нафас олаётгани, юраги дукурлагани эшитилади.

Парда устидаги илон кўланкаси одам шарпаси бўйнига шап этиб тушади.

Одамнинг «Ах!» деб ингрангани, паст товушда вой-войлаб қолгани эшитилади.

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. ТУН*

Уй эшиги тарақлаб очилади.

Эшикдан бўйнини чангаллаб олган одам отилиб чиқади ва дарвоза томон югуради.

Кўча томондан машинанинг гуруллаб, кескин кўзгалгани эшитилади.

### *ҚИШЛОҚ. КЎЧАСИ. КУНДУЗ*

Шералининг дарвозаси олдида «жип» тўхтади.

Ичкаридан Шерали чиқади.

Жамшид эшикни очиб, машинадан тушмай қўлини узатади.

Кўришадилар.

ЖАМШИД: - Машинага чиқинг. Зарур гап бор.

Шерали сал иккиланади.

ШЕРАЛИ: - Йўл босиб кепсиз. Уйга кириш. Шу ерда гаплашаверамиз..

ЖАМШИД: - Каптархонани бир кўрайлик. Бир нарса тайинлаб юборишган эди. Хурсанд бўласиз.

Шерали кифтини қисади-да, кейин машинага чиқади.

Машина шитоб билан елиб боради.

Қарши қўлини соябон қилиб, ёнидан шувиллаб ўтаётган «жип»га қарайди.

«Жип»нинг ойналари қора, ичидаги одамлар кўринмайди.

Ойналари қора «жип» унинг ёнидан шувиллаб ўтиб кетди,

### *ТОҒ. КУНДУЗ*

Мовий осмон, унда-бунда оқ булутлар.

Ёввойи каптарлар гала-гала учади.

Сайхонликда тартибсиз сочилган катта-катта тошлар ўтлаётган сурувга ўхшайди.

Тепароқда ғор оғзи қорайиб кўринади.

Жамшид қўлидаги хивични ўйнайди.

Фарид кўлидаги пичоқни қайроқтошга қайраб қиловини олади.

ЖАМШИД: - Шерали! Ҳозир жўра ҳам деймиз, оғайни ҳам. Ҳатто ота деб ялинишга ҳам тайёрман. Чунки ишимиз тушиб турибди. Тақдиримиз сизга боғлиқ. Ҳаммасини очик айтаман. Гапимни эшитишнинг жавоби ҳам бор.

ШЕРАЛИ: - Уҳ-ҳ... Жамшид ака. Мен худо берганига қаноат қилиб юрган оддий бир одамман. Нима қиласиз кўлимдан келмайдиган ишга мажбурлаб.

ЖАМШИД: - Энди тоняпсизми, жўра. Олдин айтдингиз-ку кўлингиздан келишини.

ШЕРАЛИ: - Мен сиз айтган ишни кўлимдан келмайди, кўлимдан келганда ҳам қилолмайман, деяпман...

Жамшид эзилиб Фаридга қараб кўяди.

Шерали яна уҳ тортади ва Фариднинг кўлидаги пичоққа шунчаки қараб ўтиради.

Пичоқда куёш ўйнайди.

Фариднинг кўзлари қисилиб кетган.

Форнинг устки лабида битта, пастда иккита илон ётибди.

Тоғ майсалари шамолда қалтирайди...

ЖАМШИД: - Келинг, жўра, эркакчасига гаплашиб олсак. Энди ўзингизни у ёққа, бу ёққа ташламанг. Бир ёқадан бош чиқарайлик. Бизга захар ниҳоятда керак. Сизнинг ҳам тувагингиз тилладан бўлади. Бизга қўшилган, шерик бўлган одамни биз ҳеч қачон дар қўймаймиз. Нима ёрдам берайлик? Албатта, бу чуқурингиз торлик қилади, катта бассейнми, ё усти ёпиқ террариум ертўлами... мошин кириб чиқадиган бўлсин, яна илон ушлаш, захарини олиш, қуритиш учун асбоб-ускунами, яна нималар керак, шуларга қанча кетади, ҳаммасини муҳайё қиламиз. Бошда қанча пул керак?

Шерали Жамшидга оғир қараб бош чайқайди.

Фарид ўрнидан туриб кетади.

ЖАМШИД: - Гапиринг! Албатта, еб кетишга ҳеч ким бермайди, лекин биз процентсиз, ҳеч бир шартсиз берамиз. Яна, пулни пул қилиб, ё долларга чакиб қайтармайсиз. Бирга қиладиган ишимиз ҳисобидан чегириб ташлайверасиз.

Шерали Жамшидга ўйчан тикилиб қолади.

Фарид яна қайтиб ўтиради.

Жамшид Фариднинг кўлидаги пичоқни олади.

ЖАМШИД: - Энди... мана, шу тоғларинг ҳаммаси сизники. Бу ёғи Шахрисабз, Ургут, Дехқонобод, Бойсунтоғ, Боботоғ... Мен ўзи географиядан уч олганман. Қаерда шу ўрмаласа, ҳаммасидан тутишни йўлга қўйиш мумкин.

Ўзингизми, чўпон-пўпонми, кимга ушлатсангиз, ихтиёрингиз. Ўғилчаларга ҳам ўргатиб яхши қилгансиз. Улар ҳам ёнингизда... Сира қийналмайсиз. Харидорингиз бор – ишончли. Пули нақд. Шу пайтгача бунақа катта иш қилмаганингиз учун ўйланиб ўтирибсиз... Келишдикми?

### *ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. КУНДУЗ*

Малика ҳовлидаги каравотда набирасини ўйнатиб ўтиради.  
Элбек беда ўради.  
Дарвозахонада машина тагидан Шербекнинг боши кўринади.  
Қарши кириб келади.

ҚАРШИ: - Малика! Яхшимисан? Бизнинг жўра қани?

МАЛИКА: - Боя чиқувди. Кеп қолар.

ҚАРШИ: - Меҳмонлар уйга кирдимиз?

МАЛИКА: - Йўқ. Қанақа меҳмонлар?

Қарши Шербекнинг ёнига қайтади.  
У машина тагидаги чуқурга эгилиб, Шербекка алланарсалар дейди.  
Шербек чуқурдан сакраб чиқади ва бош ирғаб Қаршининг гапларини маъкуллайди.

ШЕРБЕК: - Ака!

ЭЛБЕК: - Нима дейсан?

ШЕРБЕК: - Бу ёққа келинг.

ЭЛБЕК: - Ўша ердан айтавер.

ҚАРШИ: - Кел, дегандан кел-да.

Малика уларга ташвишланиб қарайди.

МАЛИКА: - Келин! Нодира. Эрбекни олиб туринг.

Малика буларнинг олдига келади.

МАЛИКА: - Мунча ғудинг-ғудинг қиласизлар? Тинчликми?

ҚАРШИ: - Йўқ, ҳеч гап йўқ. Бизнинг жўра тоққа нимага кетди, деб сўрадим-да.

МАЛИКА: - Қанақа тоққа? Бир ёққа кетса, менга айтмай кетмайди.

ҚАРШИ: - Шу, боя. Анов куни келган меҳмонларнинг мошини тоққа қараб учиб ўтди-да. Ичида жўрам йўқмикан, деб келганим.

МАЛИКА: - Мошинларинг юрадимиз?

ШЕРБЕК: - Юради. Тузатдим. Нима эди?

МАЛИКА: - Бўлмаса, ҳайда. Боядан бери нимага кўнглим ғаш дейман...  
Ҳозир, рўмолимни олай.

ҚАРШИ: - Мен ҳам бораман...

*ТОҒ. ҚУНДУЗ.*

Фарид нарироқда бетоқат юради.  
Жамшид бир кўлида пичок, бу кўлидаги хивични шарт-шарт кесади.

ШЕРАЛИ: - Жамшид ака, битта ўхшатиш қилай. Мана, мен штангачи полвон эмасман. Штангани кўтариб кўрмаганман. Кўтарсам ҳам, билмасам, олтмишми, етмишми кило кўтарарман. Сиз менга ҳозир минг кило кўтарасан деяпсиз. Уни қимирлатишга ҳам кучим етмайди-ку. Бекорга белим чиқиб, майиб бўлганим қолади...

Жамшид кўлидаги пичокни шарт ерга санчади.

ШЕРАЛИ: - Ўзингиз айтинг, нима қилишим керак? Ақлли одам, ўзи тушунар, бир иш чиқмаслигини билиб, мени тинч кўяр деб умид қилдим. Қарасам, авж олиб кетяпсиз. «Камаз» кириб чиқадиган ертўла террариум, тўрт юз - беш юз илон, захар бизнеси – ичим қалтираб яшаб, пулингизни бошимга ураманми?! Овлоқ жой экан, одамларига пул ваъда қилсам бўлди, ҳамма айтганимни қилади, деб ўйлаяпсизми? Нима овлоқ қишлоқда ҳукумат йўқ, қонун йўқ деб ўйлаяпсизми?..

Ўтлар орасида илон ўрмалашига хос ҳаракат сезилади, шитоб билан илгарилаётган илоннинг ўзи ҳам кўринади.

ЖАМШИД: - Эй, мен ҳам сени ўзи тушунар деб па-палаб келдим.

ШЕРАЛИ: - Сенламанг!

ЖАМШИД: - Сен кимсан ўзи? Бола-чақанг билан қуришиб юборишимни биласанми? Ким билан ўйнашяпсан?

Фарид сакраб келиб ёнидан тўппонча чиқарди.

ЖАМШИД: - Тўнка, нега сени ёлғиз бу ёкқа олиб чиққанганимни биласанми? Фалсафадан мунозара қилади деб ўйладинг шекилли?

ШЕРАЛИ: - Сенламанг. Мен сизни одам деб гапиряпман.

ЖАМШИД: - Нима? Гапимга ё хўп дейсан, ё йўқ бўласан, деб қулоғингга қуйиб келяпман. Чумчуқдай жонинг бор.

ШЕРАЛИ: - Ана шу чумчуқдай жоним худонинг кўлида.

ЖАМШИД: - Биринчи ўринда хун тўлайсан! Одамимизни илон чақтириб ўлдирганинг учун. Ҳа, Қаршидан келаётганда, даштда бир дарахтнинг тагида тўхтаган экан, устига илон тушиб чақибди, деб босди-босди қилдик.

Шерали бир зум Жамшидга хайрон қараб туради.

ШЕРАЛИ: - Кўнглим сезган эди-я, кўшнилар кечаси уйингга мошин келиб-кетди деганида.

ЖАМШИД: - Кунинг шу ерда тугадини ҳам кўнглинг сезаётгандир?

ШЕРАЛИ: - Сиз ҳамманинг кўнглини адаштирасиз. Ўйлаган эдим лекин. Худо урдими, одам-ку, бунчаликка бормас, дегандим.

ЖАМШИД: - Ўйлаган эдинг!.. Ҳе, онангни...

ШЕРАЛИ: - Сўкинма! Онаси беқадр эш-шак, бориб ўзингнинг онангни сўк.

Жамшид учиб туради.

ЖАМШИД: - Фарид! Отма!

Шерали бақриб юборади.

ШЕРАЛИ: - Тўппонча билан кўрқитасанми. От отсанг! Худонинг сенларга ҳам аталган ғазоби бордир!

Фор лабида илон чайқалади. Худди сурнай товушига ўйнаётгандек.

Жамшид бирдан босилади, Шералига оғир тикилади.

ЖАМШИД: - Тоғдан йиқилибми, илон чақибми ўласан ҳозир. Сенга ўқни хайф қилиб ўтирмаймиз.

Шерали илкис жойидан туриб, Жамшидга ташланган пайти Фарид «Ҳий-йя» дея сакраб, унинг кўкрагига тепади.

Шерали йиқилади.

Иккинчи илон ўт орасидан бошини кўтариб, буларга қараб турган бўлади.

Ўт орасида келаётган яна бир илон «жип» ғилдирагига рўпара чиқиб тўхтади.

«Жип»нинг орқа эшиги очиқ эди.

Жамшид ерда ётган Шералининг устига эгилади:

ЖАМШИД: - Ўлдими?

ФАРИД: - Йўғ-ов... нафасига тепдим. Ҳозир кўзини очади.

Шерали кўзини очиб, тепасига эгилган икковини кўради. Жамшиднинг юзи берирак, Фарид нарироқда.

ЖАМШИД: - Қандай экан? Ётадиган жойингни кўриб қўйдингми? Охирги марта сўраяпман. Шунча гапни билиб, йўқ дейдиган одам тирик қолмайди.

Шерали гавдасини ўнглаб, ўтиради, нафасини ростлайди.

ШЕРАЛИ: - Гуноҳга ботманглар. Бу ер муқаддас. Ўчи бор.

Жамшид қаҳрли илжаяди:

ЖАМШИД: - Фарид, сол!

Фарид кийкириб, Шералининг бўйнидан уради. Шерали гавдасини сал тортиб улгуради, аммо зарба кучли эди, ёнбошга қулайди.

Ўт орасидан чиқиб келаётган илон кўринади.

ЖАМШИД: - Ўлдими?

ФАРИД (халлослаб): - Бунақа зарбадан тирик қолмайди.

Фарид бўшашиб ерга ўтиради, тўппончани ёнига, ерга қўяди.

ФАРИД: - Кўнглим айниятти, Рашид ака. Ичим ағдарилиб кетай деяпти.

ЖАМШИД (овози титраб): - Одам ўлдирганда шунақа бўлади. Тур, мурдага озор берма майли. Кетдик. Тўппонча қолмасин.

Фарид ўтирган жойида икки қўли билан ерга тиралади, ўғжийди.

Жамшид ўгирилиб, «жип» томонга юради.

Илон Фариднинг орқасида пайдо бўлади.

Зум ўтмай Фариднинг бақирғи эшитилади.

Жамшид кескин ўгирилади.

Фарид белини чангаллаб ерда думаланади, унинг ёнида бир кўзойнакли илон бошини кўтариб, Жамшидга ўнгланиб турар эди.

Жамшид Фаридга томон интилади, илон кескин ҳаракат билан унга даф қилади.

Жамшид эсхонаси чиқиб ўзини орқага ташлайди.

Илон вишиллади. Тўппонча илоннинг ёнида ётган эди.

Жамшид ерга санчилган пичоққа интилганда илон яна унга ташланади.

Жамшид қочади, нарироққа бориб, орқасига бир ўгирилади.

Фарид, қисик кўзлари оғриқ ва аламга тўла, унга тикилиб қолади.

Чайқалиб бурилган «жип» ғилдираклари ғартиллаб бир айланиб олади-да, ўқдай учади.



Фор лабидаги илон пастга тушади, Фариднинг ёнидаги илон ўт орасига кириб кетади.

Шерали ўша алпозда ётибди.

Унинг кўз олди аста-секин ёришади-да, гурунглашиб ўтирган Малика, Шербек, Элбек, чақалоғини кўтарган Нодира кўринади. Шерали уларни чорлаб бақиради, товуши чиқмайди.

Шу пайти бургутини кучоқлаб олган Қарши кўринади.

У Маликадан Шералини сўрайди, Малика унга «Каптархона томонда» дегандек ишора қилади. Ҳаммалари бу томонга тикилишади, лекин Шералини кўрмайдилар.

Ўқитувчи Хосият Тўраева қариб, бир яхши кампир бўлиб қолган, офтобшувокда кўзи камашиб ўтирибди, «Ҳа, мени кўрқитганларнинг эсингдами», деяётгандек жилмаяди.

Ҳалиги эшак минган чол илон билан кўрқитгани учун Шералига кўрсатгич бармоғи билан имлама дўк қилади.

Малика чолга диққат билан қараб қолади. «Кимга дашном беряпти?», дегандек ва Шералини кўради-да, жим тикилиб туради. Элбек ва Шербек Маликага умид билан қарайдилар...

Нодира боласини кўтариб, Шералини кўрсатади.

Қарши Шералини кўриб қолиб, бургутини кўрсатиб кулади.

Шу пайти Шералининг қулоғига Фариднинг: “Амак, амакижон! Ўлиб қоламан! Ёрдам беринг”, деган товуши кира бошлайди.

### *ТОҒ. КУНДУЗ*

Оғриқдан Шералининг юзлари тиришиб кетади - зўрға кўзини очади.

Унинг олдида Фарид кучаниб, буралиб ёлвораётган эди.

ФАРИД: - Амак, ўляпман! Бир бало қилинг! Жуда оғрияпти. Тирик қолсам бўлди. Унутмайман.

Шерали бўйнини ушлаб ингранади, секин ўмганини кўтаради.

У қийналиб ёнчиғини кавлаб, ҳеч нарса тополмайди.

Ерга санчилган пичоқни ихраб суғуради, тиғи учига бармоқ тегизиб кўради.

### *«ЖИП» САЛОНИ*

Орқа ўриндиқда кўзойнакли илон бошини кўтариб, машина ҳаракатига монанд тебраниб кетаётир.

## *ТОҒ. КУНДУЗ*

Фарид инқиллаб йиғлаб юборади.

ФАРИД: - Ташлаб қочди-я. Амакижон, кечиринг! Яхши ҳам ўлиб қолмабсиз. Мана, ўзим ўляпман.

Шерали Фариднинг ёнига эмаклаб боради.

У Фариднинг белидаги илон чакқан жойни пичоқ билан тилади ва лабини босади...

Пастки йўлда машина кўринади. Рулда Шербек, ёнида Қарши. Қарши кўли билан тепадан энаётган «жип»ни кўрсатади. Машинанинг орқа ўриндиғида Малика, кичкина Шерали ва Элбек кўринади. Малика рўмолини қимтиб олган.

«Жип» тор йўлда тўғри буларга қараб келади. Шербек жон ҳолатда рулни буради, «жип» чанг-тўзон билан ўтиб кетади.

## *ЧОРРАҲА. КУНДУЗ*

Кира машиналар йўловчи пойлайди.

Киракашлар мозорнинг пастак девори тагида қарта сурадилар.

«Жип» қишлоқ томондан ўқдай учиб келади.

Киракашлар қартани ташлаб, унга ҳайрон қараб турадилар.

ЁШ КИРАКАШ: - Шерали морбозникига серқатнов бўлиб қолди шу.

Ёши каттароқ киракаш ёнчиғини кавлаб, целлофан халтача олиб, кафтини тўлдириб нос отади.

«Жип» чорраҳада бурилаётганда йўл чеккасига чиқиб кетади. Чанг-тўзон кўтарилади.

ЁШИ КАТТА КИРАКАШ: - Буни ажал қувяпти-ёв...

## *ЙЎЛ. КУНДУЗ*

«Жип»нинг орқа ўриндиғидаги илон кескин ҳаракат билан олдинга ташланади.

Асфальтнинг қораси қип-қизил қизғалдоқзорни шарт иккига бўлади.

Жамшиднинг бақиргани, кейин мотор гуриллаши аралаш қасир-қусур, шарақ-шуруқ товушлар эшитилади.

*ШЕРАЛИНИНГ ҲОВЛИСИ. БОШҚА КУН. АСР*

Шерали, бўйнида пластмасса ғилоф, каравотда ёнбошлаб ётибди.

Кўрпача устида чақалоқ ухляпти.

Малика чойнакдаги чойни қайтаради.

Малика Шералига чой узатади.

Шерали елкасини ёстикдан узиб, ихраб чордона куради.

ШЕРАЛИ: - Ё пирим!

МАЛИКА: - Оғридими?

ШЕРАЛИ: - Йўқ, маза қиялпман.

МАЛИКА: - Қандай экан? Ордона қолгурнинг бўйнидан шундай қисасизки, оғзи ма-мундай катта очилиб кетади.

Малика оғзини катта очган илон бўлиб берганига Шералининг кулгиси қистайди-да, инқилаб бўйнини силаб қолади.

ШЕРАЛИ: - Эй, кулдирма-эй.

МАЛИКА: - Ер ютсин ўшаларни. Буниси ҳам ўлса яхши бўларди. Нима қилардингиз ёрдам бериб...

ШЕРАЛИ: - Қўй бунақа гапларни. Одамнинг умри қачон поёнига етади-ю, қачон жон таслим қилади – оллоҳга аён. Банданинг жонини банда эмас, Азроил олади. Демак., Фариднинг насибаси узилмаган. Жамшид аканики битган экан.

МАЛИКА: - Текис, тўғри йўлда шунақа авария бўладими?

ШЕРАЛИ: - Шуни айт... Чойдан узат.

МАЛИКА: - Ҳа-я, айтгандай, Қарши ака сизга халоскорим деб соянгизга кўрпача тўшаб юради-ю, ичида ғашлиги бор.

ШЕРАЛИ: - Жа орани бузишга устасан-да. Нима кераги бор бунақа гапларнинг?...

МАЛИКА: - Орани бузиш деганингиз нимаси? Берса, Шербекдайга, сиздай одамнинг боласига беради-да. Отасининг боласи-да, Илонхонага қиз бераманми, алоҳида уй қилиб чиқса, майли, деган эмиш.

ШЕРАЛИ: - Нима деяпсан ўзи? Мундай тушунтир.

МАЛИКА: - Нимасини тушунмайсиз? Ўғлингизнинг жўрангизнинг қизига ишқи тушибди, жўрангизнинг қизининг ҳам кўнгли бор экан, Махфиратдан сўраттирсам, жўрангиз ё илонини десин, ё қизимни, депти...

2006 й.